

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Гулистон давлат университети

МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ

ФАНИДАН ЎҚУВ - УСЛУБИЙ МАЖМУА

Гулистон – 2007

С.Т.ИСМОИЛОВ. "МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ" ФАНИДАН ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА. ГУЛИСТОН-2007. 70 БЕТ

Ушбу ўқув-услубий мажмуа амалдаги дастур асосида тайёрланиб, унда фан бўйича муаммоли маърузалар тўплами, семинар машғулотлар ишланмалари, мустақил иш топшириқлари, тавсия этилган адабиётлар рўйхати жамланган. Муаммоли маъруза матнида замонавий педтехнология тизимига суянган ҳолда дарс мақсади ва идентив ўқув мақсадлари, мавзу бўйича кўриб чиқилиши зарур бўлган муаммолар, назорат саволлари келтирилган. Маърузалар тўпламида маънавиятнинг моҳияти, таърифи, асосий турлари, бошқа маънавий соҳалар билан алоқаси ва ҳаётдаги ўрни очиқ берилган. Ҳар бир мавзу охирида фанда ечимини кутаётган илмий муаммолар келтирилган. Семинар машғулотлари ишланмасида кўриб чиқилиши лозим бўлган масалалар, мустақил топшириқларда талаба мустақил равишда ўрганиши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилган.

S.T.ISMAILOV`S. EDUCATIONAL – METHODOICAL COLLECTION ON “MA`NAVIYAT ASOSLARI”. GULISTON-2007. 70 PG

This educational-methodical collection is prepared for the students of pedagogical specialized and special part time department of Gulistan State University.

It consists of working program, schedule, course of lectures, seminars, the themes of Individual work and tasks on Individual work. It is also included the list of literatures.

The intermediate questions are given at the end of the collection. This educational-methodical collection is intended for teachers and students of special part time department.

С.Т. ИСМАИЛОВ. УЧЕБНО-МЕТОДИЧЕСКИЙ КОМПЛЕКС ПО “ОСНОВЫ ДУХОВНОСТИ”. ГУЛИСТАН – 2007. 70 СТ

Учебно-методический комплекс по “Основы духовности” состоит из рабочей программы, рейтинговая разработка, критерии оценки, курс лекций, семинарские занятия, задание по самостоятельной работе, контрольные вопросы, основной и дополнительный список используемой литературы.

Данный учебно-методический комплекс предназначен для преподавателей и студентов.

Рецензенты: док. фил. наук. проф. Х. Аликулов
 кан. фил. наук. доц. У.Бегимкулов

Ответственный редактор: кан. фил. наук. доц. Р.Махмудов

© Университет

СЎЗ БОШИ

Жонажон Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг озод мамлакатнинг озод кишиларини вояга етказиш, камол топтириш масаласи давримизнинг энг муҳим масалаларидан бири бўлиб қолди. Бу борада мамлакатимизда «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди. Президентимиз томонидан баркамол авлодни шакллантириш концепцияси илгари сурилди. Бу жараёнда, ижтимоий фанларга алоҳида масъулият юкланди. Мустақиллик даврида таълим тизимида янгиланган «Маънавият асослари» курсларини ўқитиш йўлга қўйилди. Мазкур курсни ўқитишдан асосий мақсад, ватанимиз фуқароларини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва давримизнинг баркамол инсонларини шакллантиришдан иборатдир.

Шу мақсадда барча таълим йўналишларида «Маънавият асослари»ни ўқитиш мақсадга мувофиқ топилган. Ўқув дастурига кўра, бу фан барча таълим йўналиши талабалари учун жами 44 соат (24 соат маъруза ва 20 соат семинар машғулот учун) ўқув соатлари ва мустақил иш топшириқлари учун 20 соат ажратилган. Шундан келиб чиқиб, «Миллий истиклол ғояси ва фалсафа» кафедрасида мазкур фан юзасидан ишчи ўқув дастури тузилиб, шу асосида ўқув-услубий мажмуа яратилди. Мажмуа сўз боши, ишчи дастур, фан бўйича рейтинг ишланма ва баҳолаш мезони, маърузалар курси, семинар машғулотлар, талабалар мустақил иш топшириқлари, назорат саволлари, ўтилган мавзу бўйича якуний хулосалар, фан бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар, асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ўқув-услубий мажмуа Гулистон давлат университети Ўқув-методик кенгаши томонидан (№ 2-сон баённома 2006 йил 10- октябрь) нашрга тавсия этилган.

ИШЧИ ДАСТУР

Фаннинг мақсад ва вазифалари

Мустақиллик халқимиз тарихидаги буюк ўзгариш бўлиб, у ўзлигимизни англаш, кадриятларимизни тиклаш, маънавий бойлигимиздан баҳра олишга кенг имкониятлар яратди. Мустақиллик йилларида бевосита Президентимиз раҳбарлигида халқимизнинг қадимий анъаналарини ўрганиш ва ватанпарварлик туйғусини ўстириш мақсадида бир неча фанлар қарор топди. Бунини биз «Маънавият асослари» курси мисолида кўришимиз мумкин. Ўзбекистонимиз ҳозирда иқтисодий ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилишга интилоқда. Ҳолбуки, халқимиз бир неча асрларки, дунёдаги энг маънавий салоҳиятли халқлардан бири ҳисобланиб келади. «Маънавият асослари» курсини жорий этишдан мақсад ёшларимизни, қолаверса, халқимизни ўлмас кадриятларимиз руҳида ватанпарварлик ғояларини қарор топтиришга қаратилган. Шу мақсадда қуйидаги вазифаларни ўрганади.

Фаннинг вазифалари: Юқорида таъкидланган мақсаддан келиб чиқиб, фанни ўқитишда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилади:

- Маънавият тушунчасининг мазмун-моҳиятини очиб бериш.
- Маънавиятга таъриф ва талқинлар бериш.
- Маънавиятимиз такомил босқичларини ўрганиш.
- Миллий маънавиятимизнинг буюк намояндаларини ўрганиш.
- Маънавият билан бошқа маънавий соҳаларнинг алоқасини ўрганиш.
- Маънавиятнинг ёшлар тарбиясидаги ўрнини ўрганиш.
- Маънавий камолот омилларини ўрганиш ва бошқалар.

Курснинг мазмуни

«Маънавият асослари» курсини ўрганиш жараёнида мавжуд ўқув дастурига асосланган ҳолда масалаларнинг туб моҳияти, маънавий-маданий ҳаёт жараёнларнинг асослари, омиллари ва ривожланиши, сабаблари, оқибатлари ва натижаларига катта эътибор қаратилади. Миллий маънавиятимизнинг келиб чиқиши тарихи, салоҳияти, мазмуни ҳақида ҳолисона хулосалар чиқарилади. Миллий ва умуминсоний маънавият ҳақида маълумотга эга бўлинди.

МАЪРУЗАЛАР МАВЗУСИ.

№	Мавзулар номи	Кўриладиган масалалар	Вақт
1	Маънавият асослари фанининг баҳс мавзуси.	1.Маънавият тушунчаси, унинг таъриф ва талқини. 2.Маънавият асослари курсининг баҳс мавзуси ва ҳаётдаги ўрни.	2
2	Маънавият ва маънавий мерос.	1.Мерос тушунчаси ва унинг турлари. 2. Маънавият, мерос ва мустақиллик.	2
3	Маънавият ва иқтисодиёт.	1. Иқтисодиёт тушунчаси. Бозор муносабатлари ва унинг типлари. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг ўзига хослиги. 2. Маънавият ва иқтисодиётнинг ўзаро муносабати ва уларнинг ягона мақсадга қаратилганлиги.	2
4	Маънавият, сиёсат, ҳуқуқ ва мафкура.	1. Маънавият: сиёсат ва ҳуқуқ. 2. Маънавият ва мафкура.	2
5	Марказий Осиё халқларининг қадимги маънавияти.	1. Оташпарастлик маънавияти. 2. Монийлик ва маздакийлик маънавияти.	2
6	Ислом маънавияти.	1. Ислом –инсонпарварлик ва эзгулик дини. 2. Ислом –комил инсон ҳақида.	2

7	Тасаввуф маънавияти.	1. Тасаввуф таълимоти ва маънавият. 2. «Уч олтин тариқатлар» маънавияти	2
8	Амир Темур маънавияти.	1. Амир Темур фаолияти, мероси ва маърифати. 2. Амир Темур маънавияти.	2
9	Комил инсон маънавияти ва унинг асосий мезонлари.	1. Баркамол ва комил инсон тушунчалари ва уларнинг шакллари. 2. Комил инсон мезонлари, қирралари ва камолот омиллари.	2
10	Ватанпарварлик ва инсонпарварлик маънавий инсон қиёфасини асосий мезони	1. Ватан, ватанпарварлик, Ватан туйғуси тушунчалари ва уларнинг маънавият тизимидаги ўрни. 2. Инсонпарварлик тушунчалари ва унинг қирралари.	2
11	Маънавият ва қадриятлар.	1. Қадриятлар тушунчаси ва қадриятларнинг турлари. 2. Қадриятлар инсоннинг маънавий ахлоқий камолот негизи.	2
12	Маънавий камолот омиллари	1. Маънавий камолот тизимида таълим-тарбиянинг ўрни. 2. Маънавий камолотнинг асосий омиллари.	2
	Жами:		24

СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАР МАВЗУСИ:

№	Мавзу	Кўриладиган масалалар	Вақти
1.	Маънавият асослари курсининг баҳс мавзуси	1. Маънавият тушунчаси. 2. Маънавиятга таъриф ва талқинлар. 3. Маънавият асослари курсининг баҳс мавзуси ва вазифалари. 4. Президентимизнинг маънавиятга берган таърифи.	2
2.	Маънавият ва иқтисод.	1. Иқтисодиёт тушунчаси. 2. Бозор муносабатлари ва унинг типлари. 3. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни ўзига хослиги. 4. Тадбиркор инсон қиёфасига чизгилар.	2
3.	Маънавият, сиёсат, ҳуқуқ ва мафкура.	1. Сиёсат ва сиёсий қараш тушунчаси. 2. Ҳуқуқ ва ҳуқуқий маданият тушунчаси. 3. Мафкура тушунчаси ва унинг моҳияти.	2

		4. Миллий истиқлол мафкураси.	
4.	Марказий Осиё халқларининг қадимги маънавияти.	1. Оташпарастлик маънавияти. 2. Оташпарастликдаги эзгу ғоялар. 3. Монийлик маънавияти. 4. Маздакийлик маънавияти.	2
5.	Ислом маънавияти.	1. Ислом ва маънавият. 2. Исломда комил инсон ҳақида. 3. Ҳадислар-комиллик асоси. 4. Ислом эзгулик ва илм ҳақида.	2
6.	Амир Темур маънавияти	1.Амир Темур ҳаёти ва мероси. 2.Амир Темур-маърифатли шахс. 3. Амир Темурнинг шарафли номлари. 4. Амир Темур сабоқлари.	2
7.	Комил инсон маънавияти ва унинг мезонлари	1.Баркамол ва комил инсон тушунчалари. 2.Комил инсон мезонлари. 3.Комил инсон фазилатлари. 4.Комил инсоннинг камолот омиллари.	2
8.	Ватанпарварлик ва инсонпарварлик маънавий комил инсон қиёфасининг асосий мезони	1. Ватан ва юрт тушунчалари. 2.Ватанпарварлик, ватан туйғуси тушунчалари. 3. Ватанпарварлик қирралари. 4. Мутафаккирлар ватанпарварлар ҳақида 5. Инсон ва одам тушунчалари. 6. Инсонпарварлик ва гуманизм. 7. Инсонпарварлик қирралари. 8.Мутафаккирлар инсонпарварлик ҳақида.	4
9.	Маънавий камолот омиллари	1. Маънавий камолот тизимида таълим-тарбиянинг ўрни. 2. «Таълим тўғрисида»ги қонун ва унда баркамол авлод ҳақида. 3. Комил инсон фазилатлари. 4. Маънавий камолот омиллари.	2
	ЖАМИ:		20

Мустақил иш топшириқлари мавзулари.

1-топшириқ: Маънавият ва иқтисодиёт.

2-топшириқ: Ислом маънавияти.

3-топшириқ: Амир Темур маънавияти.

4-топшириқ: Ватанпарварлик ва инсонпарварлик маънавий комил инсон қиёфасининг асосий мезони.

МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ ФАНИДАН РЕЙТИНГ ИШЛАНМА ВА БАҲОЛАШ МЕЗОНИ:

Рейтинг ишланма:

I. Жорий баҳолаш.	1. Семинар машғулоти	10x2-20
	2. Умумий сўров	1x5-5
	3. Тест	1x10-10
	4. ТМИ (уйга вазифа)	4x5-20
		жами 55 балл.
II. Оралиқ баҳолаш	1. Оралиқ баҳолаш	2x5-10
	2. Реферат	1x10-10
	3. Конспект	1x10-10
		жами 30 балл.
III. Якуний баҳолаш	1. Назорат иши	1x15-15
		жами 15 балл.

Максимал балл - 100

Саралаш балл - 47

Ўтиш бали - 55

86-100 балл – «аъло», 71-85 балл – «яхши», 55-70 балл – «қониқарли».

Баҳолаш мезони:

Жорий баҳолаш бўйича семинар машғулотларда қатнашиб, унинг топшириқларини максимал бажарган талабаларга 2 балл берилади, агар талаба жавоби тўлиқ бўлмаса, унга 1-1,5 балл берилади.

Баҳс мунозарада фаол қатнашган талабага 2 балл, ўрта даражада қатнашган талабага 1 балл берилади, умуман қатнашмаган талабага 0 балл қўйилади.

Оралиқ баҳолаш ёзма иш тарзида ўтказилиб, унда 2 та саволга ёзма жавоб берилади. Унга тўлиқ жавоб ёзган талабага 5 балл қўйилади. Оралиқ баҳолашдаги ёзма иш белгиланган саволлар ва эркин мавзуларда 2-марта ўтказилади.

Мустақил ишлар ёзма равишда ижодий иш тарзда қабул қилиниб 1 баллдан 5 баллгача баҳоланади.

Якуний баҳолаш ёзма равишда ўтказилиб, бунда талаба 5 та саволга ёзма жавоб ёзиши лозим:- ҳар бир ёзма саволга максимал 3 балл ажратилади.

- саволга тўлиқ жавоб ёзилган бўлса, 3 балл,
- савол моҳияти тўла ёритилмаган бўлса, 2-2,5 балл,
- саволга жавоб берилган, лекин камчиликлар бўлса, 1-1,5 балл берилади.

МАЪРУЗАЛАР КУРСИ:

1-МАВЗУ: «Маънавият асослари» фанининг баҳс мавзуси.

Асосий саволлар:

1. Маънавият тушунчаси, унинг таъриф ва талқини.
2. «Маънавият асослари» курсининг баҳс мавзуси ва ҳаётдаги ўрни.

Таянч тушунча ва иборалар:

Ҳаёт, ҳаётнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий жабҳалари, маънавиятнинг арабча, форсча, туркча талқинлари, маънавиятга Президент таърифи, курснинг бош вазифаси ва вазифалари, салоҳият, миллий салоҳият, миллий маънавият.

1-асосий савол. Маънавият тушунчаси, унинг таъриф ва талқини.

Дарсининг мақсади:

Талабаларга маънавият тушунчаси ва унинг ҳаётдаги аҳамияти ҳақида маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Ҳаёт тушунчасини тушунтира олади.
2. Ҳаётнинг жабҳалари ҳақида маълумот беради.
3. Моддий ва маънавий ҳаётни ажрата билади.
4. Маънавиятни туркий, арабий, форсий талқинларини сўзлаб беради.

1-асосий саволнинг баёни:

Ҳаёт–инсон ва барча тирик организмлар учун яшаш тарзи, муҳит, неъмат. Унинг моддий-иқтисодий, маънавий-маънавият, муносабат-сиёсат каби жабҳалари мавжуд. Агар иқтисодиёт инсон ҳаётини моддий томонларини ташкил этса, маънавият унинг маънавий руҳий жиҳатини ташкил этади.

Инсон оламга келибдики, ўз талаб-эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилади. Масалан: она жисмидан ажраган чақалоқ дунёга келган илк дақиқаларданоқ табиатни моддий ўзлаштира бошлайди. У аввал ҳавони, кейин кетма-кет озик-овқатни, кийим-бошни ва сўнгра бошпанани ўз эҳтиёжи учун ўзлаштиради.

Моддий ва маънавийликни боғловчи жиҳат эса муносабат, яъни сиёсатдир. Инсон кишилик жамиятида яшар экан, у хоҳ оилада бўлсин, хоҳ жамоада бўлсин, хоҳ жамиятда бўлсин, барча бўғинларда ўзаро муносабатда бўлади.

Маънавият тушунчаси кўп қиррали тушунчалардан биридир. У ўз ичига инсон фаолиятининг барча жабҳаларини қамраб олади. Кейинги пайтда матбуотда маънавиятга доир қатор мулоҳазалар баён этилмоқда. Тўғриси айтганда, бу тушунча шўролар даврида умуман тилга олинмас эди. Ҳатто, йирик шўро қомусларида ҳам маънавият тушунчасининг тилга олинмаганлигини кўрамиз.

Ҳозиргача мавжуд адабиётларда маънавият тушунчасининг 6 хил этимологик талқини берилади:

1. «Маъни» - туркча, «маъноли» сўзидан олингандир. Маъно излаган маънавият сари интилади. «Бамаъни одам ва бемаъни одам». (Султомурод Олим талқини).

2. «Маъни» форсча, феъл–атвор, руҳият демакдир (луғатларда).

3. «Маънавийя» - арабча, «лашкар руҳи» - демакдир. (С.Кароматов талқини).

4. «Маъна» - арабча, «моҳият» демакдир. Ўзбек тилининг изохли луғати. Т. 1988.

5. «Маънавият» - ахлоқий демакдир. (М. Имомназаров талқини).

6. «Маъна»- санскрит тилида «ақл» демакдир. (А.Эркаев талқини). Кейинги пайтда зиёлиларимиз томонидан маънавият тушунчасини этимологик маъноларини илмий оммага этказиш борасида қатор илмий, илмий-оммабоп рисоалар нашр қилинди. Бу борада, айниқса, тарихчиларимиз, адабиётчиларимиз ва файласуфларимиз академик Э.Юсупов, профессорлар: А.Жалолов, С.Кароматов, М.Имомназаров ва бошқаларни тадқиқотларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. «Маънавият» тушунчасининг янги талқинлари келгуси тадқиқотларда атрофлича баён этилади, деган ниятдамиз. Охирги йиллар мобайнида кўпчилик зиёлиларимиз «Маънавият нима?» деган саволга жавоб излаб, бир қатор тадқиқотларни бажарди. Бунга сабаб маънавиятнинг кўп қиррали тушунча эканлигидир. Маънавият инсон фаолиятининг барча қирраларини, унинг яққол кўзга ташланувчи зоҳирий ва яширин, ички руҳий–ботиний томонларини ҳам қамраб олганлигидандир. Ҳозирда матбуотда ушбу мавзуга бағишлаб кўплаб мақола ва мулоҳазалар эълон қилинмоқда, китоблар чоп этилмоқда.

Мустақиллигимиз шарофати билан маънавият тушунчасини ҳам холис ва илмий талқин этиш имконияти туғилди.

Назорат саволлари:

1. Маънавиятнинг туркча талқинини айтинг?
2. Маънавиятнинг форсча талқинини гапириб беринг?
3. Маънавиятнинг арабча талқинини сўзланг?
4. Инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжларининг уйғунлиги нимада?
5. «Аввал иқтисод, кейин сиёсат» маталини қандай тушунасиз?
6. «Кўзи тўқ инсон» билан «назари паст инсон»нинг фарқи нимада?

2-асосий савол. «Маънавият асослари» курсининг баҳс мавзуси ва вазифалари.

Дарсининг мақсади:

Талабаларни «Маънавият асослари» курсининг предмети ва вазифалари, шунингдек, унинг жамият ҳаётидаги ўрни билан таништириш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Маънавиятнинг таърифларини ёд айтади;
2. Президентимизнинг маънавиятга берган таърифини изохлайди;
3. Фаннинг бош вазифасини билади;
4. Фаннинг вазифаларини таҳлил қила олади.

2-асосий саволнинг баёни.

Маънавият инсонларни жамики бошқа мавжудотлардан ажратиб турадиган жиҳатини ташкил этади. Инсон табиат мавжудотларининг олий гултожи саналади. Унинг юксак маънавият эгаси бўла олиш имконияти ва хислати инсоннинг маънавиятини ташкил этади. Агар моддий нарсалар одам жисмига озик берса, маънавият инсоннинг руҳиятига, шуурига озик беради ва уни руҳлантиради. Маънавиятга талпиниш, билимга талпиниш каби одамга хос фазилатдир. Маънавият бир сўз билан айтганда, жуда мураккаб ижтимоий ҳодисадир. Биз куйида баҳоли кудрат замондошларимизнинг маънавиятга берган таърифини баён қилиб, уларнинг якуний, асосини ташкил этувчи юртбошимизнинг маънавиятга берган мумтоз таърифини келтириб ўтмоқчимиз:

- Маънавият – жамиятнинг, миллатнинг ва ёки айрим бир кишининг ички ҳаёти, руҳий кечинмалари, ақлий қобилияти, идрокени мужассамлаштирувчи тушунчадир.

- Маънавият – одамнинг руҳий ва ақлий оламининг мажмуидир. («Ватан туйғуси» китобидан).

- Маънавият–инсоннинг кўнгил кўзгусида акс этган ҳақиқат нуридир. (Проф. М.Имомназаров).

- Маънавият - бу инсонга сифат беришдир. (Проф Й. Жумабоев).

- Маънавият яхшиликка мойиллик ва ёмонликдан тийилиш ҳиссидир. (Султонмурод Олим).

- Маънавият одамни бошқа мавжудотлардан ажратиб турувчи эзгу фазилатлар мажмуидир. (Проф. Қ. Йўлдошев).

- Тил – моддий, сўз – маънавий, мия – моддий, онг – маънавий, юрак – моддий, қалб – маънавий, ана ўша сўз, онг, қалб маънавиятдир. (Шоир Й.Каримов).

Президентимиз И. А. Каримовнинг Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ, биринчи сессиясида сўзлаган нутқида: «Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Техникавий билим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик билан, мустақил тафаккур билан бирга бориши керак. Ақлий заковат ва руҳий маънавий салоҳият–маърифатли инсоннинг икки қанотидир», - деган сўзлари билан кишилар диққатини маънавиятга тортади. Президентимизнинг маънавиятга берган намунавий таърифи «Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз» асарида баён этилган.

«Маънавият деганда, авваламбор, одамни руҳан покланишга, қалбан улғайишга чорлайдиган, инсон ички дунёсини, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бут қиладиган, виждонини уйғотадиган кучни тасаввур қиламан».

Жамиятда амалга ошириладиган барча вазифалар унинг аъзоси бўлган одамларнинг тафаккури ва шуури даражаси билан бевосита боғлиқдир. Агар инсоннинг онги ва тафаккури қанчалик юқори бўлса, у

жамиятни истикболи буюк бўлади, бу соҳада «Маънавият асослари» курсининг ўрни каттадир.

Барча фан ва курсларда бўлганидек, «Маънавият асослари» курсининг ҳам ўз олдига қўйган вазифалари бор. Улар қуйидагилар:

- ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш (бош вазифаси);
- «Маънавият» тушунчасининг моҳиятини очиб бериш;
- маънавиятни миллий такомил босқичлари билан таништириш;
- маънавий меросга муҳаббатни уйғотиш;
- инсон маънавий ҳаётини бойитиш йўлларини ўргатиш;
- кишиларни маърифатга, маънавийликка чорлаш;
- дунёқарашни кенгайтириш йўллари:

 - чет тилларни ўрганиш,
 - спорт билан шуғулланиш,
 - компьютер ўрганиш,
 - адабиётлар ўқишни ўргатишдан иборат ва бошқалар.

Назорат саволлари:

1. Маънавиятга берилган таърифларни айтиш?
2. Юқоридаги таърифлар орасидаги фарқларни тушунтириш?
3. Маънавият–эзгу фазилатлар мажмуи дегани нима?
4. Маънавиятга Президент берган таърифни ёддан айтиш ва изоҳланг.
5. Курснинг бош ва асосий вазифалари нима?
6. Курснинг баркамол авлод тарбиясидаги ўрни нималардан иборат?

Мавзу бўйича мустақил иш топшириқлар:

1. Маънавият талқинларини ёдлаб келиш.
2. Маънавиятнинг таърифини қиёсий ўрганиш.

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

1. Маънавият асосларининг турли талқин ва таърифлари ҳамда унинг ўрганиш объекти очиб берилди.
2. Маънавият асосларининг инсон дунёқарашининг шаклланишидаги ва маънавий ҳаётдаги ўрни ёритиб берилди.

Адабиётлар:

1. Каримов. И. А. «Истиқлол ва маънавият» Т.: 1994. 5-17, 3-22, 65-71, 113 бб.
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.: 1996. 74-86 бб.
3. Каримов. И. А. «Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз» Т.: 1999. 8-23 бб.
4. Эркаев.А. «Маънавият – миллат нишони» Т.: 1997. 12-50 бб.
5. Отамуротов С. Хусанов С. «Маънавият асослари» Т.: 1999. 3-41 бб.
6. Иброҳимов А. ва бошқ. Ватан туйғуси. Т.: 1996, 111-б.

2-МАВЗУ: Маънавият ва маънавий мерос

Асосий саволлар:

1. Мерос тушунчаси ва унинг турлари.
2. Маънавият, мерос ва мустақиллик.

Таянч тушунча ва иборалар:

Меҳнат. Яратувчанлик. Мерос. Моддий ва маънавий мерос. Меросдаги давомийлик. Тарихий мерос. Шахсий, миллий, умуминсоний мерос. Мустақиллик. Меросга янгича муносабат. Мерос-маънавият манбаи. Милий меросимиз намуналари. Адабий мерос.

1-асосий савол: Мерос тушунчаси ва унинг турлари.

Дарснинг мақсади:

Талабаларга мерос тушунчаси ва унинг турлари ҳақида маълумот бериш

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Мерос тушунчасини тушунтира олади.
2. Мерос-меҳнат натижаси эканлигини айтади.
3. Меросни моҳиятига кўра турларини ажратиб беради.
4. Меросни кўламига кўра турларини санай олади.

1-асосий саволни баёни:

Инсон зоти мавжуд экан, у ўз фаолиятини яратувчанликка йўналтиради. Киши ҳаёти давомида меҳнат қилади: уй солади, боғ яратади, ер хайдайди ва ҳакозо. Ва бу жараён аجدодлардан авлодларга ўтиб бориши билан маданиятга ва меросга айланиб боради. Яъни аجدодлардан авлодларга қолдирилган моддий ва маънавий ёдгорликлар мажмуасига мерос дейилади.

Инсоннинг моддий ва маънавий яратувчанлигидан мерос ҳам моҳиятига кўра моддий ва маънавий турларга бўлинади. Мерос аҳамияти, даражаси ва доирасига кўра шахсий, миллий ва умуминсоний турларга бўлинади.

Ҳар бир янги авлод маданият негизини ҳар гал янгитдан яратмайди балки, аجدодлар томонидан яратилган меросни ўзлаштириб олади ва бу меросни кўр-кўрона эмас, балки унинг ижобий, долзарб, келгуси ҳаёт тараққиёти учун хизмат қиладиган қисмини қабул қилиб олади.

Халқимиз ўз салоҳиятига кўра дунёнинг энг мероси бой халқларидан бири ҳисобланади. Уни асраб-авайлаш Ўзбекистонлик ҳар бир фуқорони муқаддас бурчидир. Қолаверса аجدодлар мероси бу катта маданий бойликдир. Бу бой мерос, пойдевор устига келажаги буюк Ўзбекистонимизни пишиқ ғиштлари терилмоқда ва терилажак.

Одамзодга Оллоҳ берган азиз наमतлардан бири бу қалб, рух, виждон эркинлиги ва озодлигидир. Бу озодлик мазкур инсон яшаётган юрт озодлиги, мустақиллиги билан бевосита боғлиқдир. Мустақиллик эса:

- Мустақиллик энг аввало тенглик сари қўйилган қадамдир. Чунки тенглик бўлмаган жойда кимдир кимгадир тобе бўлади.
- Мустақиллик бу тараққиётдир.
- Мустақиллик бу ҳамкорликдир.
- Мустақиллик-меросга янгича муносабатдир.

Фақат ватан мустақиллиги қўлга киритилгандан сўнгра миллий меросга том маънода эътибор қаратилади. Худди шундай ҳолат

Республикаимиз мустақиллигини қўлга киритган сонияларданок амалга оширила бошланди.

Эҳе, ўтган 14-15 йиллик мустақиллигимиз тарихида халқимиз ва юртбошимиз томонидан қанча моддий ва маънавий меросимиз ўз қадрини топмади дейсиз. Ўтган даврда аввалги 100 йилликларда бўлмаган ишлар амалга оширилди. Бир қанча Навоий, Бухорий, Термизий, Нақшбанд, Кубро, Бобур, Улуғбек, Амир Темур, Машраб, Феруз каби ўнлаб сиймоларнинг маънавий мерослари ўрганилди, халқ оммасига етказилди.

Мустақиллик арафасида маънавий таназзулни бугунги кун билан солиштирсак бу жараёни янада чуқурроқ анлаймиз.

Назорат саволлари:

1. Мерос нима?
2. Меросни моҳиятига кўра тури нима?
3. Меросни кўламига кўра тури нима?
4. Миллий мерос нима?
5. Мустақиллик нима?
6. Мустақиллик ва мерос тушунчалари узвийлигини айтинг?

2- асосий савол: Маънавият ва маънавий мерос уйғунлиги .

Дарсинг мақсади:

Талабаларга манавият тизимида мерос, маънавий мерос тушунчаларининг ўрни ва аҳамиятини очиқ бериш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Маънавият тизимини билади.
2. Маънавий мерос тушунчасини тушунтира олади.
3. Маънавий меросни ўзига хос хусусиятларинини кўрсатиб беради.
4. Маънавият ва маънавий мерос уйғунлигини баён эта олади.

2- асосий саволнинг баёни.

Маънавият тушунчаси ҳам ўзини ташкил этувчи тизимига эга. Уни фан, санъат, фалсафа, ахлоқ, нафосат, дин, тил, адабиёт каби қирралари мавжуд. Аниқроғи юқоридаги жихатлар маънавиятни ташкил этади. Ҳозиргача тадқиқотларда маънавият муаммоси мерос, адабиёт, қадриятлардан қидирилмоқда. Бу бежиз эмас албатта. Маънавият тушунчаси аввало маданият, мерос, маърифат ва қадриятлар тушунчаси билан узвий боғлиқдир. Мерос ифодаланиш шаклига кўра: адабий, илмий, фалсафий, ахлокий, нафосатий, диний, тасаввуфий, ҳуқуқий, сиёсий, тиббий, урф одатлар – каби турларга бўлинади. Шу билан бирга юқоридаги мерос турлари бир вақтнинг ўзида маънавий мерос тизимини ҳам ташкил этади.

Ҳам моддий ва ҳам маънавий мерос шахс ва миллий маънавиятни шаклланишида муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Биз назарда тутаятган жараёнда маънавий мерос бирламчи бўлиб намоён бўлмоқда. Агар маънавиятни соф "руҳий ақлий озиқа ва махсулот" нуқтаи назари билан қарайдиган бўлсак, маънавий мерос билан маънавият

тушунчалари бир-бирига ўта яқин эканлигини англаймиз. Бу ерда эса маънавий меросни руҳият, ақл, феъл-атвор билан бевосита боғлиқ ўзига хос жиҳатини кўриш мумкин.

Ҳамма нарса у ёки бу нарсадан ҳарорат, қувват, озиқа олади. Маънавият ҳам ўшандай озиқ оладиган манбаларига эга. Булар санъат, фалсафа, дин, фан, адабиёт ва бошқалар. Бу тизимда мерос алоҳида ўрин тутди. Демак, маънавият меросдан ҳарорат олади. У кўп жиҳатдан меросни кам-кўплигига ҳам боғлиқдир. Хох шахсий маънавият бўлсин, хох, миллий маънавият бўлсин, мавжуд моддий ва маънавий мерос негизида вужудга келади. Халқимиз шунчалик бой меросга эгаки, буни қуйидагиларда кўришимиз мумкин:

Республикаимиздаги мавжуд қўлёзма, тошбосма асарларни тадқиқ этиш ҳозирги ҳолатда давом этса яна 400 йил керак бўлар экан.

Ҳозирда мамлакатимизда 1503 та меъморий ёдгорликлар мавжуд. Улардан 250 дан ортиғи Хива шаҳридадир. Улардан 49 таси жаҳон аҳамиятига молик ёдгорликлардир. (1992 йил) Уларга Мустақиллик йилларида қурилган обидаларни қўшсак уларни жами сони 10000 тадан ошади. Бунчалик катта ва бой мероси эга бўлган халқ дунёда жуда кам. Республикаимизнинг ва халқимиз маънавий хазинаси бўйича дунёда кучли 10 талик давлатлари қаторида туради.

Маънавий меросни бойлиги баркамол авлод тарбиясида муҳим омил бўлиб хизмат қилади .

Назорат саволлари:

1. Маънавий тизим нима?
2. Маънавият билан маънавий меросни ўзаро боғлиқлигини кўрсатинг?
3. Маънавиятни манбалари нима?
4. Мерос ҳам маънавият манбаими?
5. Миллий меросимиз ҳақида нима биласиз?
6. Милли меросимизни жаҳон мероси тарихидагми салмоғи қандай?

Мавзу бўйича мустақил иш топшириқлар:

1. Мероснинг турларини сананг.
2. 10 та қадимий асарлар номини ёзиб келинг.

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

1. Мерос тушунчаси, талқини, таърифи ва унинг турлари хилма-хилдир.
2. Миллий меросимизнинг салоҳияти бой бўлиб, халқимиз дунёдаги маънавияти юксак халқлардан биридир.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. «Истиқлол ва маънавият» Т.: 1994. 160 б.
2. Каримов И.А. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» Т.: 1997. 32 б.
3. Иброҳимов А. ва бошқалар «Ватан туйғуси» Т.: 1996. 396 б.
4. Имомназаров М. «Миллий манавиятимизни такомил босқичлари» Т-1996. 144 б.

5. Мустақиллик илмий-оммабоп изоҳли луғат. Т.: 1998. 320 б.
6. Отамуродов С., Хошимов О. «Маънавият асослари» Т.: 2000. 228 б.
7. Эркаев А. «Маънавият миллат нишони» Т.: 1996. 192 б.

3-МАВЗУ: Маънавият ва иқтисодиёт.

Асосий саволлар:

1. Иқтисодиёт тушунчаси. Бозор муносабатлари ва унинг типлари. Ўзбекистонда иқтисодий ислохатларни ўзига хослиги.
2. Маънавият ва иқтисодиётнинг ўзаро муносабати ва уларнинг ягона мақсадга қаратилганлиги.

Таянч тушунча ва иборалар:

Меҳнат, иқтисодиёт (экономика), бозор, бозор муносабатлари ва унинг типлари, юртимизда иқтисодий ислохатларни ўзига хослиги, маънавият ва иқтисодиётнинг ўзаро муносабати, тадбиркор (ишбилармон), бугунги кун тадбиркорларини маънавий қиёфаси.

1- асосий савол: Иқтисодиёт тушунчаси. Бозор муносабатлари ва унинг типлари. Ўзбекистонда иқтисодий ислохатларни ўзига хослиги.

Дарсинг мақсади:

Талабаларга иқтисодиёт, бозор, бозор муносабатлари, унинг типлари ва юртимиздаги иқтисодий ислохатлар ҳақида билим бериш.

Идентив ўқув мақсадлари

1. Иқтисодиёт тушунчасини таърифлайди.
2. Бозорни тавсифлаб беради.
3. Бозор муносабатларини тушунтиради.
4. Бозор муносабатлари турларини санайди.
5. Республикамиздаги иқтисодий ислохатларни ўзига хослигини изоҳлайди.
6. 5- тамойилни санаб беради.

1- асосий саволнинг баёни:

Жамият мавжудлигини қуйидаги уч муҳим омил ташкил этади.

1. иқтисодиёт
2. сиёсат
3. маънавият

Албатта, ҳар қандай жамиятни моҳиятини унинг иқтисодиёти ташкил этади. Жамиятни иқтисодиётсиз, яъни ишлаб чиқарувчисиз таъсаввур этиш мумкин эмас. Кишилиқ жамиятини шаклланиш омиларидан бири ҳам, кишиларни иқтисодий-табиий эҳтиёжларини қондириш мақсадида вужудга келган. Иқтисодиёт меҳнат асосида вужудга келади. Меҳнат эса кишиларни объектив борлиқни ўзлаштиришга қаратган фаолиятидир. Унинг 2 жиҳати жисмоний ва ақлий томони мавжуд. Иқтисодиёт бу кишиларни чекланмаган эҳтиёжларини табиат ресурсларидан оптимал даражада қондиришга айтилади. Иқтисодиёт илми тарихда турли номлар билан аталган. Машҳур табиб Ибн Сино иқтисодиётни амалий фанлар таркибига қўшиб «уй рўзгор юритиш илми» деб баҳолаганлар. Халқимиз бу илми

«рўзгор юритиш илми», «қозон товоқ илми», «бозор-ўчар илми», «рўзгор» деб бежизга айтмаган.

Иқтисодиёт инсон пайдо бўлгандан бошлаб вужудга келган. Ҳаётимизни иқтисодиётсиз ва унинг бир қисми бўлмиш бозорсиз тасаввур қилиш қийин. Бозор олди сотди муносабатлари амал қиладиган жой, ҳудуд, бино. Бозор бу мамлакатни иқтисодий юраги демакдир. Инсон юраги танани қон билан таъминланганидек, бозор ҳам қишлоқ-шаҳарни, мамлакатни моддий таъминлаб туради. Товар алмашиш, олди-сотди муносабатларига асосланган ҳолда жамиятни ривожлантиришга қаратилган иқтисодий жараён бозор муносабатлари дейилади. Бозор муносабатларининг турлари:

- товар бозори;
- меҳнат бозори- ишчи кучини сотиш;
- қимматли қоғозлар бозори –девидент;
- инвестиция бозори;
- интеллектуал товар бозори.

Бозор муносабатлари стихияликдан тартибга солиш асосига қараб ўсиб боради. У стихияли, тартибли ва режали кўринишда амалга ошади. Бозор муносабатларига ўтишнинг турли мезонлари мавжуд. Масалан: Корея, Хитой, Туркия моделлари. Бозор муносабатларига: Англия - 100 йилда, Франция-150 йилда, Германия-60-80 йилларда, Япония - 30 йилда босқичма–босқич ўтган. Ўзбекистонимиз бу жараёнга ўзига хос ва ўзига мос ҳолатда ўтмоқда. Унинг Президент томонидан ишлаб чиқилган 5 тамойили мавжуд.

1. Иқтисодни сиёсатдан устуворлиги.
2. Давлат бош ислоҳатчи.
3. Қонунларни устуворлиги.
4. Кучли ижтимоий сиёсат.
5. Босқичма-босқич ўтиб бориш.

Назорат саволлари:

1. Иқтисодиёт нима?
2. Меҳнат нима?
3. Бозор нима?
4. Бозор муносабатларини тушунтиринг.
5. Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳатларни ўзига хос жиҳатини айтинг.
6. 5 тамойилни сананг.

2-асосий савол: Маънавият ва иқтисодиётнинг ўзаро муносабати ва уларнинг ягона мақсадга қаратилганлиги.

Дарсининг мақсади:

Талабага иқтисодиёт ва маънавият узвий жараён эканлигини ва уларни ягона мақсадга қаратилганлигини тушунтириб бериш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Иқтисодиёт ва маънавиятни бир бири билан боғлиқлигини билади.
2. Иқтисодиётни маънавиятга муносабатини очиб беради.

3. Маънавиятни иқтисодиётга таъсирини кўрсатади.
4. Уларни ҳар иккисини ягона мақсадга қаратилганлигини айтади.
5. Аввал иқтисодий ўнгланиш, кейин маънавиятни кучайтириш нотўғри ғоя эканини англаб етади.
6. Президентимизни иқтисодий ислохатлар борасидаги фаолиятини кўрсата олади.

2-асосий саволни баёни:

Маънавият инсон руҳиятига, шуурига, қалбига озик бериш имкониятига эга бўлган маънавий мавжудликдир. Иқтисодиёт эса киши ва жамиятга моддий озик бериш жараёнидир. Демак инсон тирик мавжудот сифатида иқтисодиёт ва маънавият тизимини марказида туради. Инсон ва иқтисодиёт, инсон ва маънавият ҳар иккиси бир бирисиз бемаънилиқдир. Маънавият бу узоқ муддат давом этадиган узлуксиз жараёндир. У мутлоқ интиҳосига етмайди. У иқтисодиётдан ҳосила олади. Маънавият инсоннинг ижтимоий мавжудот сифатида, унинг индивидуаллигини, ижтимоий тоифага таълуқлилигини, меҳнат қилиш, моддий ва маънавий бойлик яратиш бахтиёр яшашдек эзгу мақсад деб фаолият кўрсатиш пойдеворидир. Маънавият яъни иқтисодиётсиз, иқтисодни маънавиятсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Чунки биз тирик мавжудот сифатида ҳам моддий ва маънавий эҳтиёжларга эгамиз. Масалан: биз бирон бир овқатни ўзлаштириш билан бирга, маълум маънавий озикларни: ахборотларни, куй-қўшиқларни, санъат асарларини ҳам ўзлаштирамиз. Бизни 5 сезги органимиз, танамизга, тафаккуримизга тўхтовсиз хабар-ахборот етказиб туради. Иккинчи бир томондан агар биз маънавий етук бўлсак, иқтисодий ҳаётимизни ҳам яхши йўлга қўямиз.

Баъзи бировлар аввал иқтисодий ўнгланиб олайлик, сўнг маънавиятга эътибор берайлик деган фикрларни ҳам илгари сурган. Бу ғояга қарши жавоб Президент асарларида ўз ечимини топган. Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш босқичи биздан нимани талаб қилмоқда. Давр, замон ҳар биримиздан тадбиркор бўлишни талаб қилмоқда.

Чет элда ҳаёт пул билан ўлчанади. Бизни миллатга бу ёт нарса, бизда биринчи ўринда инсоф, диёнат муҳим рол ўйнайди. Ҳўш тадбиркор қандай фазилатларга эга бўлиши лозим.

Тадбиркор йўқ сўзини ишлатмалиги керак. Йўқни бор қилиш керак. Кайковус «Тижорат ва бозоргонликни яхши санъат деса бўлур, чунки ҳақиқатда унга назар қилсанг, унинг расм-русуми худди ҳунармандларнинг расм-русумига ўхшашдур» деб ёзган эди.

(Қобуснома 107-108 бетлар)

Тадбиркор замондошимиз "Авесто" даги 3 муҳим триада:

Яхши фикр, Яхши – сўз, Яхши – иш шиорини ўз фаолиятида қўллаши лозим.

Тадбиркор энг аввало инсофли ва ҳалол бўлиши керак.

Тадбиркор замонавий ва диний билимлардан хабардор бўлиши лозим.

Тадбиркор фан-техника ютуқлардан хабардор бўлиши даркор.

Тадбиркор хориж тилларини билиши зарур.

Тадбиркор инсон билан муомила қила олиш санъатига эга бўлиши шарт.

Тадбиркор ўз молини реклама қила олиши лозим бўлади.

Назорат саволлари:

1. Иқтисодиётни маънавиятга нисбатан бирламчилигини айтинг.
2. Маънавиятни иқтисодиётга муносабатини айтинг.
3. Президентимиз бу жараён ҳақида нима деганлар?
4. Аввал иқтисодий ўнгланишга қандай қарайсиз ?
5. Аввал маънавий ўнгланишга қандай қарайсиз ?
6. Маънавият ва иқтисодиётни таққосланг.

Мавзу бўйича мустақил иш топшириқлар:

1. 10 та иқтисодий атамалар луғатини тузиб келиш.
2. Пул тарихи ҳақида маълумот тўплаб келиш.

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

1. Бозор муносабатлари ва унинг турлари, ўзбек модели ҳақида умумий тушунча берилди.
2. Бозор муносабатлари билан маънавиятнинг ўзаро боғлиқ, узвийликдаги жараён эканлиги очиб берилди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. "Ўзбекистон бозор муносабатларнинг ўзига хос йўли". Т.: 1993. 8-53 бб.
2. Каримов И.А. «Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истикболларини асосий тамоиллари». Т.: 1995. 45-62 бб.
3. Отамуродов С. Хусанов С. Маънавият асослари. Т.: 1999. 40-53 бб.
4. Зиёмуҳаммедов Б. ва бошқалар. Маънавият асослари. Т. 2000. 43-54 бб.
5. Мустақиллик: илмий-оммабоп изоҳли луғат. Т.: 1997. 320 б.

4-МАВЗУ: Маънавият, сиёсат, ҳуқуқ ва мафкура.

Асосий саволлар:

1. Маънавият: сиёсат ва ҳуқуқ.
2. Маънавият ва мафкура.

Таянч тушунча ва иборалар:

Сиёсат, сиёсий қараш, маънавий сиёсат, қонун, бурч, ҳуқуқ, ҳуқуқ турлари, ҳуқуқий соводхонлик, мафкура, мафкура заминлари, миллий мафкура.

1-асосий савол: Маънавият: сиёсат ва ҳуқуқ.

Дарсинг мақсади:

Талабаларга сиёсат, сиёсий қараш ва тинчлик сиёсати, ҳуқуқ, ҳуқуқ турлари, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият ҳақида тушунча бериш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Сиёсат тушунчасини билади.
2. Республикамизни маънавий соҳасидаги тутган сиёсий йўлини тушунтиради.
3. Президентимиз тутган сиёсий йўлни кўрсата олади.
4. Ҳуқуқ тушунчасини билади.
5. Ҳуқуқ турларини санаб беради.
6. Ўзбекистон ва халқаро ҳуқуқий нормалар мавзуси ҳақида тасаввурга эга бўлади.

1-асосий саволнинг баёни:

Сиёсат маънавият бўғинларидан биридир. Сиёсат бу давлатни, жамиятни бошқариш санъатидир. Республикамиз ўзининг ички ва ташқи сиёсатида демократик ва инсонпарварлик ғояларига таянган ҳолда фаолият кўрсатмоқда. Президентимиз томонидан бу борада «Туркистон умумий уйимиз», «Марказий Осиё ядродан ҳоли ҳудуд» каби тинчликпарвар сиёсий таклифларни илгари сурмоқда. Мамлакатимиз ички сиёсатида ҳам истиқболни ривожлантириш сиёсати билан, халқаро барқарорлигини таъминлашга ҳаракат қилинмоқда. Маънавият соҳасида давлатимиз сиёсати ўзининг илк қадамлариданок ижобий томонга юз бурган. Бу соҳада 1994 йил 27.03. дан 9 сентябр 1996 йилгача бўлган даврни алоҳида қайд этиш мумкин. Албатта бу сиёсат маънавиятсевар юртбошимиз И.А.Каримовнинг бевосита ва билвосита раҳбарлигида олиб борилмоқда. Республикамизда 1994 йил "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази тузилди.

Марказга аввал академик Э.Юсупов, ёзувчи Н.Аминов, кейин журналист А.Болиевлар ва сиёсий шарҳловчи Қ.Аъзам раҳбарлик қилди. Вилоятимизда ушбу ташкилотни ҳам раиси ҳокимимиз Ж.Абдурахмонов ва унинг ижроочи раиси, доцент С.Қудратовлардир. Университетимизда ректори У.Ташкенбаев ушбу марказни ҳам раиси ҳисобланади.

Демократик жамият қонун йўли билан бошқарилади. Ҳуқуқий давлатнинг негизи бўлган конституция жамиятнинг барча жабҳаларини тартибга солади. Мустақилликнинг дастлабки беш йилида Ўзбекистонда 2000 дан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Бизда меҳнат кодекси (1995 йил) фуқаролик кодекси (1996 йил) қабул қилинди. У ва шунга ўхшаш қонунларимизни асосини "Хидоя", "Темур тузуклари" каби меросларимиз ташкил этади. Масалан: "Хидоя"да қўшни учун томорқадан бир қадам ташлаш зарурлиги айtilган. Бу нарса ҳозирги "Уй жой" кодексимизда ҳам мавжуд. Ёки оилавий ажралиш учун 100 кун муддат белгиланган. Оила кодекси эса 3 ой, 90 кун муддат белгиланган.

Ғарбда қонун марказида аниқ инсон ҳуқуқи, Шарқда эса оила, инсонлар жамоаси етакчи ўрин тутди. БМТ 1945 йил 5 та инсон

ҳуқуқлар тизмини ишлаб чиққан эди. Бу 1975 йил Хельсинкида ҳалқаро жамоатчилик томонидан эътироф этилган. Ҳалқаро доирада 400 дан ортиқ ҳуқуқлар мавжуд бўлиб, улардан 70 таси БМТ нидир. Ўзбекистон улардан 16 тасига қўшилган (2000). Улардан 100 тага яқини инсон ҳуқуқлари ҳақидадир. Бу ҳуқуқлар 4 га бўлинади :

1. Шахсий ҳуқуқлар масалан: виждон ва дин эркинлик.
2. Сиёсий ҳуқуқлар. масалан: сайлов, жамоат ташкилотлар.
3. Маданий ҳуқуқлар . масалан: таълим, тиббий ёрдам.
4. Иқтисодий ҳуқуқлар. масалан: мулк, тадбиркорлик.

Республикамизда 1997 йил 29 августда "Жамиятни ҳуқуқий маданиятини ошириши" тўғрисида миллий дастур қабул қилинган. Унга Республикамиздаги ҳуқуқий давлат қуриш жараёни асос қилиб олинган. Ҳуқуқий маданиятнинг 3 таркибий қисм:

- Ҳуқуқий онг.
- Ҳаётда ҳуқуқий талабларни аниқ бажарилиш.
- Фуқароларни ҳуқуқий фаоллиги ташкил этади.

Ҳуқуқий маданият:

- қонунларни билиш
- қонунларга амал қилиш
- судни ҳурмат қилиш
- ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш
- ноқонуний ҳимоя кучларига мурожаат қилмасликдан иборатдир.

Ҳуқуқий давлатнинг моҳияти барча фуқароларнинг қонун олдидаги тенглиги билан белгиланади. Инсон ҳаёт қонунлар асосида тан олинади ва ҳимоя қилинади.

Назорат саволлари:

1. Сиёсат нима ва сиёсатчи ким?
2. Маънавият соҳасидаги сиёсат нима?
3. Сиёсий партия нима?
4. Тинчликпарвар сиёсат нима?
5. Президентимизни ташки ва ички сиёсати ҳақида нима биласиз.
6. Ҳуқуқ нима?
7. Қонун нима?
8. Қандай ҳуқуқ турлари мавжуд?
9. Ҳуқуқий онг нима?
10. Ҳуқуқий маданият нима?

2-асосий савол: Маънавият ва мафкура.

Дарсинг мақсади:

Талабаларга мафкура тушунчаси, мафкурани заминлари, мафкурани турлари, миллий истиқлол мафқурси ва Президентимизнинг мафкура тўғрисидаги ғоялари ҳақида тушунча бериш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Мафкура тушунчасини билади.

2. Мафкура заминларини санайди.
3. Мафкурани турларини кўрсатиб ўтади.
4. Миллий истиқлол мафкурасини моҳиятига тушуниб боради.
5. Президентимизни мафкурага оид ёзган асарларини санаб беради.
6. Миллий мафкура тўғрисида ўз қарашига, тасаввурига эга бўлади.

2-асосий саволнинг баёни.

Мафкура арабча "фикр", "фикрлаш" демакдир. Бу сўзнинг кўплик кўриниши маъорифдир. Маърифат бу билиш, таниш ва билим демакдир. Агар маърифат тушунчаси билим ва маданиятни ёйиш ва юксалтиришни ифодаласа, маориф эса ана шу мазмунни тарғибот куралидир. Мафкура тушунчасини 18 аср охири ва 19 аср бошларида яшаб ўтган француз маърифатпарвари Де Траси "ғоялар ҳақидаги фан" сифатида фанга киритган эди. Мафкура жамият тараққиётининг яқин ва узоқ келажакка мўлжалланган унинг манфаат ва мақсадларини ўзида ифодалаган илмий назарий, фалсафий ғоялар мажмуидир.

Мафкура тушунчаси замирида инсон тақдири ётади. Унинг қаҳрамони инсондир. Гап мафкура яъни илғор инсониятнинг ғояси, назарияси тўғрисида борапти. Бундан ташқари тарихда инсон тақдирига қарама-қарши, ёт бўлган фашизм, болшевиизм каби ёвуз мафкуралар ҳам мавжуд бўлган. Ҳозирда мамлакатимизда миллий истиқлол мафкураси шаклланимоқда. Миллий истиқлол мафкурасини яратиш вазифаси ҳали Мустақиллигимизни дастлабки кунлариданоқ кун тартибига қўйилган эди. Президентимиз 1993 йил ёзувчилар билан бўлган учрашувда, 1994 йил илм-фан зиёлилар билан бўлган учрашувда бу вазифани кўндаланг қўйган эди. Ўтган 7 йил мобайнида мафкура яратиш борасида талай ишлар амалга оширилди. Лекин миллий мафкура яратиш вазифаси бажарилмади. Шунинг учун ҳам Президентимиз 6 апрел 2000 йил Оқсарой қароргоҳида зиёлилар билан бўлган учрашувда ушбу масалага яъни бир бор тўхтаб ўтди. Президентимиз ташаббуслари билан қирқ кишилик ижодий гуруҳ тузилди. Гуруҳ олдида миллий мафкурани яратиш вазифаси қўйилди. Муддат белгиланмади. Бу мантиқан тўғри эди. Умуман мафкурани сиёсий, миллий, синфий, тарихий шакллари мавжуд. Ушбу тизимда миллий мафкура ва истиқлол мафкураси алоҳида ўрин тутди. Улар умумий мафкура тушунчаси таркибини ташкил ётади. Миллий мафкура бир халқ ва давлатни истиқболини белгиловчи ғоялар тизимидир.

Миллий истиқлол мафкураси эса ўтиш даврининг мафкурасидир. Халқ, миллатни ўз озодлигига эришув даврида фаолият кўрсатадиган ғоялар тизимидир. Инсонпарвар демократик жамият ва ҳуқуқий давлат ўз фаолиятида жамиятдаги барча ижтимоий кучларнинг умумий манфаатларини кўзда тутиб иш юритади. Шу боисдан мамлакатдаги муҳолиф ижтимоий гуруҳлар, сиёсий партиялар ўзаро мurosасиз кураш олиб боришларига ўрин қолмайди. Улар умуммиллий мафкура асосида иш юритадилар. 1993 йил 6 майда мамлакат Олий Кенгашиининг Х11 сессиясида қилинган маърузасида Президент мафкурасиз, аниқ

йўналишига эга бўлган ғояларсиз тараққиёт бўлмаслигини таъкидлаб: олдимизда турган энг муҳим масала бу миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётга тадбиқ этишдир,-дейди.

Миллий истиқлол мафкурасининг асосий моҳияти :

Халқимиз анъаналарига, удумларига, руҳиятига, динига мос ғояларни сингдириш;

Жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгалашига интилиш ҳиссини тарбиялаш.

Соғлом, комил авлодларни тарбиялаш каби жиҳатларидан иборат.

Президентимиз мафкурани кучига баҳо бера туриб, "Мафкуравий полигонлар - ядровий полигонлардан кучлироқдир",-деган эдилар. Демак бизни истиқлол мафкурамиз буюк мақсадларга қаратилган, бу байроқ остида буюк келажак сари борамиз.

Назорат саволлари:

1. Мафкура нима?
2. Маориф нима?
3. Маърифат нима?
4. Мафкурани турларини сананг.
5. Мафкура негизларини айтинг.
6. Мафкура келажак-пойдевори деганини қандай тушунаси?

Мавзу бўйича мустақил иш топшириқлар:

1. Президентимизнинг мафкура ва ғояга оид асарлари рўйхатини тузинг.
2. Мафкура негизларни аниқлаб келинг.

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

1. Маънавиянинг энг янги ва яқин бўлган таркибий қисмлари сиёсат, ҳуқуқ, мафкура ҳақида тушунча берилди.
2. Миллий истиқлол мафкурамизнинг маънавий тарбия тизимидаги ўзига хос ўринга эга эканлиги очиқ берилди.

Адабиётлар:

1. Каримов И. А. "Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат этишга хизмат қилсин." Т.: 1998. 3-32 бб.
2. Каримов И. А. "Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз" Т.: 1999. 8-23 бб.
3. Ўзбекистонни миллий истиқлол мафкураси . Т. 1999 й. 3-52 бб.
4. Йўлдошев. А. "Мустақил Ўзбекистон демократия, маънавият ва мафкура масалалари " Фарғона: 1997. 4-20; 34-57 бб
5. Отамуротов С., Хусанов С. "Маънавият асослари" Т. 1999. 3-25 бб.
6. Эркаев А. "Миллий ғоя ва маънавият " Т.: 2002. 3-81 бб.

5-МАВЗУ: Марказий Осиё халқларининг қадимги маънавияти

Асосий саволлар:

1. Оташпарастлик маънавияти.

2. Монийлик ва маздакийлик маънавияти.

Таянч тушунча ва иборалар:

Зардушт «мўъбадлар мўъбади», Ахурамазда, Ахриман, «Яхшилик ғалабаси», «оташпарастлик триадаси», «Авесто», Ясна, Яшт, Вендидод, Виспарад, Монийлик, Низомат, Аржанг, Маздак, «Тўрт 3», маздакийлар ҳаракати,

1-асосий савол. Оташпарастлик маънавияти.

Дарсинг мақсади:

Талабаларга: а) оташпарастлик таълимоти ҳақида маълумотлар бериш; б) унинг бугунги кундаги аҳамиятини ёритиш; в) ушбу таълимотни миллий мафкурамиз шаклланишидаги ўрнини кўрсатиш; г) бу таълимотни жаҳон маънавияти тизимидаги салоҳиятини тушунтириш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Зардушт ҳақида маълумотга эга бўлади.
2. Авесто ҳақида тушунчага эга бўлади.
3. Авесто сабоқларини санайди.

1-асосий саволнинг баёни:

Марказий Осиё халқлари ижтимоий тафаккурида бир қатор диний фалсафий ва ахлоқий ғоя, таълимотлар мавжуд бўлган. Марказий Осиё нафақат тарихда илм–фан, давлатчилик, инсониятни бешикларидан бири бўлган, балки диний-фалсафий таълимотларни ҳам марказларидан бўлганлиги бугун ҳаммага аён. Шундай диний фалсафий таълимотлардан бири оташпарастлик таълимотидир. Бу дин эрамиздан аввалги мингинчи йилларни ўрталарида одамлар табиатни илоҳийлаштирган бир даврда вужудга келади. Зардушт номи ушбу дин асосчиси Спитома Зардушт исмидан олинган. Кейинроқ Европада бу дин тарғиботчиси Зороастр (юн. «астрон»-йўлдуз) деб атала бошланган. Чунки улар Зардуштни буюк мунажжим сифатида эътироф этганлар. Фирдавсий ўзининг «Шоҳнома» асарида Зардуштга баҳо бера туриб, «мўъбадалар мўъбади» деб таърифлайди, яъни бу «донишмандлар пешвоси» демакдир. Ҳозиргача норасмий маълумотларга кўра қадимги дунёнинг энг биринчи донишманди Конфуций саналар эди. Агар биз Фирдавсий маълумотига таяниб ва Зардушт (ер.ав. 579 – 512) билан Конфуций (эр.ав. 551–479) яшаган даврни солиштирадиган бўлсак, Зардушт ҳақиқатда дунёни биринчи рақамли донишманди бўлиб чиқади.

Бу таълимотни асосини 2 нарсга ташкил қилади:

1. Мутлоқ моя - Ахурамаздани яккаю ягоналигини тан олиш;
2. Яхшилик билан ёмонлик, ростгўйлик билан ёлғончилик, зулмат билан нур ўртасидаги доимий кураш ҳақидаги таълимот. Яхшилик уч минг йилдан сўнг пайғамбар Саошъянта келгандан кейин ғалаба қозонади. Инсон, ёмонлик билан курашмоқ учун 3 нарсга, яъни триадага:

Яхши фикр – пиндори нек.

Яхши сўз – гуфтори нек.

Яхши иш – кори некка амал қилмоғи лозим.

Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»дир. Асосан у қадимий орий тилида битилган бўлиб, Ўзбекистонда уни М. Исоқов ва Р. Абдукомиловлар ўқий олишадилар. Авесто 30 қоҳин томонидан 12 минг сугир терисига ёзилган. Плинийнинг (III аср) маълумотига қараганда, у 2 миллион байтдан иборат бўлган. Агар машҳур «Шоҳнома» асарини 60 минг байтдан иборат эканлиги билан уни солиштирсак, «Авесто» ни буюк китоб эканлигини тушуниб етамиз.

«Авесто» тўрт қисмдан иборат:

1. Ясна – ибодат матнлари, мадҳиялар. 72 бобдан иборат, шундан 17 боби мадҳиялар.

2. Яшт–Ахурамаздани улуғловчи мадҳиялардан иборат. Бу қисм саж йўли билан ёзилган.

3. Вендидод–бугун оламни яратувчиси Ахурамаздадир. Жумладан, оташда, яъни оловда унинг зухури мавжудлиги айтилади.

4. Виспарад–қонунлар мажмуаси. 25 бобдан иборат. Панду - насиҳатлар, ибодатлар йиғиндисидир.

Оташпарастликдан оладиган маънавий сабоқларимиз:

- ✚ қариндошларни бир–бири билан оила қуриши ман этилган;
- ✚ ахлатлар қўмиб ташланган, яъни очиқ ётмаган;
- ✚ қатор касалликларни иссиқлик ва совуқликни бир-бири билан алмаштириш орқали йўқотиш йўллари кўрсатилган;
- ✚ табобат рамзи «жомга ўралган илон» Авестодан олинган. Авестода одамлар 800-900 йилдан, 1400 йилгача яшаганлиги ҳақида маълумот берилган;
- ✚ 2-3 та фарзанд кўрган аёллар мукофотланган;
- ✚ ювуқсиз идишда ариқдан сув олган киши 5 дарра уриб жазоланган;
- ✚ қабристон ҳудудига фақат арча, сандал, зайтун дарахтлари екиш мумкин бўлган;
- ✚ қабристондан 100 қадам наридагина мевали дарахт екишга рухсат берилган;
- ✚ турмушга атайлаб чиқмаган қиз бола қопга солиниб, 50 дарра урилган;
- ✚ атайлаб оила қурмаган йигит 50 дарра урилиб, «ланъат камарини» боғлаб юрган;
- ✚ Авестода минглаб дорилар рецепти берилган.

Назорат саволари:

1. Зардушт ким?
2. Оташпарастликнинг бош ғояси нима?
3. «Авесто» ҳақида айтиб беринг.
4. Оташпарастлик сабоқларини санаб беринг.
5. «Авесто» эзгулик ҳақида.
6. «Авесто»нинг тариқибий қисмларини айтиб беринг.

2-асосий савол : Монийлик ва маздакийлик маънавияти.

Дарсинг мақсади:

Талабаларга: а) монийлик ва маздакийлик таълимотлари ҳақида маълумотлар бериш; б) уларнинг бугунги кундаги аҳамиятини ёритиш; в) ушбу таълимотларни миллий мафкурамиз шаклланишидаги ўрнини кўрсатиш; г) бу таълимотларни жаҳон маънавияти тизимидаги салоҳиятини тушунтириш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Моний ҳақида билади.
2. Монийликни моҳиятини билади.
3. Монийликни бошқа ижтимоий – фалсафий ва диний таълимотлар билан таққослайди.
4. Маздак ҳақида билади.
5. Маздакийлик таълимоти ҳақида гапиради.

2-асосий саволнинг баёни:

а) Моний ибн Фатак (216–277) 216 йилда Эроннинг Тайсафун (Ктесифон) шаҳри яқинида туғилган. У 230 йилларда Эрон, Марказий Осиё, Ҳиндистон бўйлаб сафарда бўлиб, Зардуштийлик, буддавийлик, брахманлик таълимотлари билан танишади. 240 йилдан бошлаб ўзининг мустақил таълимотини тарғиб қила бошлайди. 242 йилда Эрон шоҳи Шопур-I нинг тахтга ўтириш, тож кийиш маросими пайтида у ўз таълимотини баён қилади. Монийлик таълимотида пастифизм (урушмаслик) ва мол дунё йиғмаслик ғояси муҳим аҳамият касб этади.

Зардушт коҳинлари Монийга қарши чиқади. 275 йилда Эрон шоҳи Баҳром-I нинг буйруғи билан Моний зиндонга ташланади ва 277- йилда қатл этилади. Моний издошлари бадарға қилинган. Моний само нури - элчи ҳисобланган. Бу таълимот асосини 2 нарса: 1 - Илоҳиёт ва 2 - Низомат ташкил этади. Илоҳиётда Зардуштийлик дуализми ётади. Биринчи оламда худо, иккинчисида шайтон иблис ҳукм суради. Икки олам кураши ҳалокат билан тугайди, натижада материя (чана) ҳалокатга учрайди, руҳ озодликка эришади. Бунга кўра бу дунё ёвузлик дунёсидир.

Инсон икки унсурдан (руҳ–нур фарзанди, жисм зулмат фарзанди)дан иборатдир. Моний ўз ғояларини «Аржанг», «Шобуркан», «Канз улахё», «Жабборлар ҳақида», «Сирлар китоби»да баён этган. Монийликни дуалистик қараши келгусида маздакийлик ва Ислом таълимотларига ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Низомат - 12 талаб-қоидадан иборат:

- бир кунда 4 марта намоз ўқиш;
- ҳар бир намозда 12 марта сажда қилиш;
- ҳар ойда 7 кун рўза тутиш;
- якшанба ва душанба кунларини муқаддас кунлар деб билаш кабилар.

Монийликда Наврўз байрамига ўхшаган Бема байрами мавжуд бўлган. Бу байрам Моний осилган кунни нишонлаш байрамидир. Монийлик бор йўғи 30-35 йил мавжуд бўлган бўлсада, 3-4 асрларда Италиядан тортиб, то Хитойгача бўлган халқлар орасида кенг ёйилди. 296 йилда Рим императори Монийликка қарши алоҳида эдикт (фармон) қабул қилишга мажбур бўлди.

Шарқ буюклари Ганжавий, Жомий, Навоийлар Моний шахсини ўз «Хамса» асарларида алоҳида тилга олиб ўтганлар.

в) Маздак тарихий шахс бўлиб, 470–529 йилларда Эронда яшаган. Маздак халқ оммасининг Зардушт коҳинлари ва задогонларига қарши курашини бошқарган. Бу ҳаракатни сусайтириш мақсадидида Эрон шоҳи Кубод 488–531 йилларда уни қўллаб - қувватлади. Маздак Кубод-1 даврида аввал оташгоҳлардан бирини, кейинчалик бутун Эрон бўйича бош коҳин бўлган. Коҳинларни ҳукмронлиги сўнгандан кейин, Кубод-1 улардан алоқасини узади. 539 йилда мазакийлар ҳаракати бостирилади ва Маздакни ўзи қатл этилади. Бу таълимотга биноан, оламдаги жараёнлар мақсадли эзгулик, ёруғлик манбаи билан тасодифий ҳаракатлантируви қоронғулик (жоҳиллик) манбаи ўртасидаги курашдан иборат. Бу кураш яхшиликнинг ёмонлик устидан муқаррар ғалабаси билан тугалланади. Маздакийлик таълимоти ижтимоий тенгсизликни йўқотиш учун курашга даъват этган, бу ҳаракатнинг ғояси сифатида хизмат қилган. Бу ҳаракат бостирилган бўлсада, кейинги асрларда халқни феодалларга қарши кураш, кейинроқ араблар ицилосига қарши (Муқанна, Бобак) кураш байроғи бўлиб хизмат қилди.

Маздакийлик монийлик таълимотини тўлдириб, унинг зоҳидлик, ноумидлик ғояларини дунёга умид билан қараш ғояларига алмаштирди. Маздак феодал мол–мулкни умумийлаштиришни, феодаллар ҳукмронлигини йўқотишни талаб этади. Маздакни фикрига кўра, ижтимоий тенгсизлик кишилар ўртасидаги турли туман иллат ва фалокатларни келтириб чиқаради. Шунинг учун бундай ёвузликларни келтириб чиқарувчи асосни тугатиш керак, деб ҳисоблайди. Яратувчи ҳаммага мол-мулкни тенг берган, аммо бойлар худбинлик йўлига ўтган. Шунинг учун улар тўрт «З» ни, яъни:

Замин –ер.

Зар – олтин, бойлик.

Зўр – пул, ҳокимият.

Зан–хотинларни кишилар ўртасидаги баробар тақсимлашни талаб қилиб чиқдилар. Бундай қарашлар ҳукмрон табақа қарашларига, манфаатларига зид эди. Шунинг учун Маздак ва унинг тарафдорлари таъқиб остига олинди ва бу ҳаракат шафқатсизларча бостирилди. Лекин бу билан маздакийлик изсиз йўқолиб кетмади, балки келгуси давр сиёсий курашлари учун ғоявий асос ролини ўйнади.

Назорат саволлари:

1. Зардушт ким?
2. Ахурамазда ва Ахриманлар ким?
3. Авестони биласизми?
4. Оташпарастлик сабоқларини сўзланг.
5. Монийлик нима?
6. Маздакийлик нима?

Мавзу бўйича мустақил иш топшириқлар:

1. Қадимги маънавият турларини сананг.
2. Авестодан ибратли сўзлар топиб келинг.

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

1. Қадимги маънавият турлари бўлмиш оташпарастлик, монийлик, маздакийлар ҳақида маълумот берилди.
2. Қадимги маънавият турлари билан бугунги маънавият турлари бир-бири билан таққосланди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: 1998. 3-32 бб
2. Отамуротов С., Хусанов С. Маънавият асослари. Т.: 1999. 100-102 бб
3. Ислом справочник. Т.: 1989. 181–182 бб.
4. Исоқов М. Эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амал китоби. Т.: 2001. 24 б.
5. Ўзбекистонни миллий истиклол мафкураси. Т.: 1993. 110 б.
6. «Авесто». Т.: 2001. 128 б.

6-МАВЗУ: Ислом маънавияти

Асосий саволлар:

1. Ислом –инсонпарварлик ва эзгулик дини.
2. Ислом –комил инсон ҳақида.

Таянч тушунча ва иборалар:

Қуръони Карим, Ҳадис, ислом эзгулик ҳақида, тақводор инсон.

1-асосий савол. Ислом –инсонпарварлик ва эзгулик дини.

Дарсинг мақсади:

Талабаларга ислом таълимоти, Қуръони Карим, Ҳадиси шариф ҳақида ва улардан оладиган маънавий сабоқни тушунтиради.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Ислом арконларини санаб беради.
2. Қуръони Карим ҳақида маълумотга эга бўлади.
3. Ҳадисларнинг моҳиятини тушунади.

1-асосий саволнинг баёни:

Инглиз олими Лорд Ровенпорт асримиз бошларидаёқ «Исломни тез суръатлар билан ёйилаётганига асосий сабаб, бу диннинг маънавият масалалари бўйича жуда талабчан бўлганидир» деб ёзган эди. У ўз фикрини давом эттириб ёзади: "(Мусулмонлар)

Марҳаматли,

Хушхулқ ва одобли,

Ижтимоий адолатли,

илм фанга бўлган муҳаббат ва эҳтиромда мусулмонларга тенг келадиган миллат ва халқ йўқдир. Ислом моддий бойликлардан кўра фанни афзал кўради» - дейди «Мангу бахт саодат» китобида.

Ислом дини 7-аср бошларида Арабистон ярим оролида яшаган Сомий қабиаларини ягона эътиқодга даъват қилиш ҳаракати натижасида вужудга келган. Бу яккахудолик дини бўлиб, «ислом» ибораси "итоат", «тобелик», "бўйсиниш", "бўйин эгиш", "инон-ихтиёрини худого

топшириш" маъноларини билдиради. Буюк ва ягона тангри Оллоҳнинг ердаги расули сифатида Арабистоннинг Макка шаҳрида дунёга келган Мухаммад бинни Абдуллоҳ (570-632) исломга раҳнамолик қилади. Исломни қабул қилиб, Расуллоҳга эргашган унинг издошлари ўзларини "муслим" (ўзбекча мусулмон) деб атаб, кишилар худо олдида тенг экани, ризқ-насиба барчага Оллоҳ томонидан берилишини, ҳамда жамиятда адолатсизлик барҳам топиши ҳақиқат эканини тарғиб этадилар.

Назорат саволлари:

1. Ислом деганда нимани тушунасиз?
2. Қуръони Карим ҳақида гапириб беринг.
3. Республикамизда "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар» тўғрисидаги қонун моҳиятини ёритиб беринг?

2. Ислом –комил инсон ҳақида.

Дарсинг мақсади:

Талабаларга ислом таълимотидаги комил инсон таълимоти ва бугунги кун ҳаётимиздаги ўрнини тушунтиради.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Ҳадисларнинг моҳиятини тушунади.
2. И. А. Каримовнинг "Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда" асарини мазмуни билан танишади.
3. Исломни комил инсон талқинини таҳлил қила олади.

2-асосий саволнинг баёни:

Қуръон гўзаллик, инсон мижози ҳақида баҳс юритади. Буни соддароқ ҳолатда "Комил инсон"ни исломий талқини дейиш мумкин. Қуръони Карим "Бақара" сураси 177 оятда: "Юзларингизни Машриқ ва Марғиб томонларга бураверишингиз яхшилик эмас балки Оллоҳга, охират кунига, фаришталарга, китобларга, пайғамбарларга имон келтирган, ўзи яхши кўра туриб, молини қариндош уруғларга, етим-есирларга, мискин бечораларга, йўловчи-мусофирларга, тиланчи гадоларга ва қулларни озод қилиш йўлида берадиган, намозни тўқис адо этиб, закотни берадиган киши ва аҳдлашганларидан аҳдларига вафо қилувчилар ва хусусан оғир енгил кунларида ва жангу-жадал пайтида сабр-тоқат қилувчилар яхши кишилардир. Ана ўшалар чин имонли кишилардир ва аша ўшалар асл тақводордирлар" дейилади.

Ушбу юқоридаги тақводор - имонли инсон фазилатларини назарий ва амалий қисмга бўлиш мумкинки, бунда назарий қисми инсон қалбида, амалий қисми инсон фаолиятида амалга ошади:

Оллоҳга - имон.

Охиратга - имон.

Фаришталарга - имон.

Китобларга - имон

Пайғамбарларга - имон бу фазилатлар қалбда бажарилади.

Саҳоватпеша - фазилат

Намозхонлик - фазилат

Закотни берадиган - фазилат.

Аҳдига вафодорлик - фазилат

Сабр-тоқат - фазилат. Бу фазилатлар бевосита инсон фаолиятида амалга оширилади. Ушбу тақводор инсон сифатлари бу исломий комил инсон сифатларидир ва шу билан бирга келгуси комил инсон шакллари учун асос вазифасини ўтаган.

Ҳадис илмида ҳам комил инсон, яъни маънавий этук инсон сифатлари ҳақида қатор фикрлар баён этилган. Масалан, ҳадислардан бирида: "Мени сифатим Аҳмад, таваккул қилувчи, қўпол эмас, бадхулқ эмас, яхшиликка яхшилик қайтарадиган, ёмонликка-ёмонлик билан эмас, балки яхшилик қайтарадиган, туғилган жойи Макка, ҳижрат қилган жойи Мадина, умматлари изор билан ёпилувчи (иштон), атроф очик жойларини юувчи, таҳоратда юрувчи, Қуръонлари дилларида ёд юрувчи, намозга урушга саф олгандек саф олувчи, Оллоҳга яқин бўлишлик учун жон ва қонларини аямовчи, Оллоҳ йўлида жиҳод -қилувчи, кечалари ибодатда қаттиқ, кундузлари ишда шер кабидирлар" дейилган (Билкиз Аладдин "Муҳаммад пайғамбар қиссаси " Т.: 1991, 92-б.)

Ушбу шариф сифатларини таҳлили қиладиган бўлсак қуйидаги:

Таваккул қилувчи.

Яхшиликка яхшилик қилувчи.

Ёмонликка яхшилик қилувчи.

Оллоҳга ҳамд этувчи.

Авратлари ёпиқ юрувчи.

Таҳоратда юрувчи.

Қуръон дилда юрувчи.

Намозхон.

Оллоҳ йўлида жиҳод қилувчи.

Ибодатни кўп қиладиган.

Меҳнаткаш каби сифатлар намоён бўладики, бу бевосита тақводор инсон сифатларини ифодасидир.

Назорат саволлари:

1.Тақводор инсонни фазилатларини сананг ва шарҳланг.

2.Тақводор инсон билан баркамол инсон сифатларини қиёсланг.

Мавзу бўйича мустақил иш топшириқлар:

1. Қуръони Каримнинг 7 та номлари топиб келиш.

2. Қуръондаги 10 та суръаларни номини ёдлаш.

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

1. Ислом дини буюк маънавий ва руҳий озуқа манбаи ва қониқиш эканлиги очилди.

2. Ислом мавжуд бўлган комил инсон ва унинг ахлоқий сифатлари ёритиб берилди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда ва юрагимизда. Т.: 1999, 3-30 бб.
2. Абдусамедов А. Диншунослик асослари. Т.: 1995, 38-46 бб.
3. Отамуротов С., Хусанов С. Маънавият асослари. Т.: 2000, 90–102 бб.
4. Ахлоқ одобга оид ҳадис намуналари. Т.: 1992, 12-168 бб.
5. Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Т.: 1991, 92 б.
6. Мансур А. Шокир Б. Мусулмончиликдан илк сабоқлар. Т.: 1992, 3-32 бб.

7-МАВЗУ: Тасаввуф маънавияти

Асосий саволлар:

1. Тасаввуф таълимоти ва маънавияти.
2. Уч олтин тариқатлар маънавияти

Таянч тушунча ва иборалар:

Тасаввуф, шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат, суфий, яссавия, факрлик мақомлари, кубровия, аш- шаъра, нақшбандия, балогардонлик, дил ба ёру даст кор шиори, зикри ҳафий, рубъу маскун.

1-асосий савол: Тасаввуф таълимотида маънавият.

Дарсинг мақсади:

Талабаларга тасаввуф таълимоти ва унинг жамият маънавий ҳаётидаги ўрни ҳақида тушунча бериш.

Идентиф ўқув мақсадлар:

1. Тасаввуф тушунчасини билади.
2. Тасаввуф таълимоти босқичларини санайди.
3. Тасаввуфни Марказий Осиёга ёйилиши жараёнини ҳикоя қилади.
4. Тасаввуфни ислом билан таққослайди.
5. Тасаввуфни бугунги кундаги аҳамиятини илмий асослайди.

1-асосий саволнинг баёни:

Тасаввуфнинг бош ғояси "Фано йўли" яъни кишига Оллоҳ маърифатига ва марҳаматига эришиш йўлини кўрсатишдан иборат. Бунинг учун тасаввуф аҳли қуйидаги тўрт:

Шариат - мусулмон қонунларини, фикҳни ўрганиш босқичи.

Тариқат-арабча йўл, бирон тасаввуф оқимига кириш, пир-муршидлик.

Маърифат - Оллоҳни англаш, таниш.

Ҳақиқат – Ҳаққа етиш босқичларидан иборат йўлни босиб ўтиш орқали эришади. Бу босқичларни барчасидан ўтган сўфий улуғ шарафга эришади. Фано мақомида у ўзлигидан кечиш ва яратганининг ўзига сингиш даражасига эришади. У Оллоҳ марҳаматига, фазлу-карамига муяссар бўлади ва авлиё даражасига эришади. Ҳақиқатда бу шарафга тарихда камдан - кам кишиларгина этишган. Ўтмишда бу шарафни барча сўфийлар орзу қилганлар. Бу шарафга мушарраф бўлганлар қаторида ҳамюртларимиз Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро ва Баҳоуддин Нақшбандлар бордир. Яссавий ўз ҳикматларида "Мен йигирма икки ёшда фано бўлдим" деб ёзган бўлса, Мир Алишер Навоий "Лисонут тайр" достонида Нақшбанд ҳазратлари ҳақида сўз юрита туриб:

"Чун фано хайлига дохил бўлдилар бокий мутлакка восил бўлдилар" деб таъкидлайдилар.

Ўша фано бўлганлар, восил бўлганлар, ўзлари эришган даражага етишиш мақомларини яратишганлар. Тасаввуфда улар яратган фано йўли комил инсон мақомлари деб юритилади. Комил инсонлик мақомлари, имонли ва тақводор киши мақомлари асосида яратилган. Бу нарса Қуръони Каримнинг Бақара сурасида ўн банддан иборат ҳолда баён этилган. Демак, комил инсонлик мақомлари, имонли киши мақомлари негизида шаклланган. Яссавий, Кубро ва Нақшбанд каби авлиёларимиз ўз тариқатларини комил инсонлик мақомлари асосида қурганлар. Масалан: бу мақомлар яссавия тариқатида фақр одам мақомлари деб юритилиб улар қуйидаги саккиз: "Тавба", "Зухд", "Ибодат", "Таважжух", "Сабр", "Шукр", "Ризо", "Ориф", кубровия тариқатида қуйидаги ўн: "Тавба", "Зухд", "Таваккул", "Қаноат", "Ўзлат", "Малозамат", "Таважжух", "Сабр", "Муроқоба", "Ризо": нақшбандия тариқатида қуйидаги ўн бир: "Ҳуш дар дам" - ҳар дам хуш ўтказиш, "Назар бар қадам" - ҳар бир қадамга назорат, "Сафар дар ватан" - ватан бўйлаб саёҳат, "Хилват дар анжуман" - эл - улус билан бирга бўлиш, "Ёдкард" - эслаш, хотирлаш, "Бозгашт" - қайтиш, "Нигоҳдошт" асраш, сақлаш, "Ёддошт" - эсталик, хотира, "Вуқуфи замоний" - замон амри, «Вуқуфи ададий» - тартиб амри, "Вуқуфи қалбий" қалб амри мақомларидан иборатдир.

Инсон руҳи илоҳийдир. Демак, инсонни ҳаётидаги асосий мақсади ўз руҳини, илоҳий оламга бориб қўшишдан иборат бўлади. Тасаввуф аҳли илмда руҳ кишилари деб аталади. Бошқача улар манбаларда аҳлулуллоҳ, авлиё, аҳли ҳол, аҳли ботин, арбоби тариқат, дарвеш, шайх, қаландар, фақр деган номлар билан тилга олинади. Лекин сўфий тушунчаси улар орасида энг оммавийдир. Ғаззолий ўзининг "Кимёи саодат" асарида ёзади: "Инсон фаришта ва ҳайвон орасидаги махлуқдир. Ҳайвон ривожланмайди, чунки унинг камолот қуввати йўқ. Фаришта ҳам ривожланмайди, чунки унинг ўзи пок илоҳий нурдан иборат. Фақат инсондагина ривожланиш, руҳий камолот хислати мавжуд". Тасаввуф таълимотига асосан инсон руҳи мутлоқ руҳнинг бир қисми бўлганлиги учун илоҳ сари парвоз қилиши керак. Бунинг учун инсон ўз инсонлигини идрок этиб, ботиний оламини поклаб, маърифат нурларини тўлдириб бориши шарт. Тасаввуф шарқдаги ижтимоий - фалсафий оқимлардан биридир.

Абул Ҳомид Ғаззолий ва Абу Ҳасан ал-Аъшарийлар бу таълимотнинг назариётчиларидир. Манбаларда қайд этилишича, тасаввуф тушунчасини бир неча хил этимологик маънолари мавжуд. Масалан, В. В. Петрушевскийнинг маълумотига қараганда, тасаввуфнинг 72 талқини мавжуд. Бизнингча улардан энг машҳурлари қуйидагилардир:

«Суф» - арабча сўздан олинган бўлиб "жанда пўшт", "жун пўшт" деган маънони билдиради.

«Соф» - туркча сўздан олинган бўлиб, «тоза», «озода» демакдир.

«София» - яъни тасаввуф суфизм тушунчалари грекча "софия" сўзидан олинган бўлиб, «ҳикмат» деган маъноларни билдиради.

Тасаввуф таълимотида фано йўли босқичлари мавжуд бўлиб, у 4 босқичдан иборат: шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат.

Шариат - бунга асосан ўзини Оллоҳга бағишлаган киши барча исломий талаб-қоидаларни бажариш шарт. Исломда ахлоқий ҳуқуқий қонун-қоидалар мажмуаси ўз ифодасини топган. Шариатга кўра сўфий биринчи навбатда беш вақт намоз ўқиши, рўза тутиши, закот бериш, имкониятига қараб ҳажга бориши керак. Шу билан бирга Қуръони Карим кўрсатмаларини, Ҳадиси шариф талабларини, Қиёс, Ижмоъ қоидаларини бажариш суфий учун шарт ҳисобланади. Тариқат арабча йўл, усул демакдир. Бу босқичда суфий тирикчиликнинг барча ташвишларидан воз кечиши ва мурид сифатида ўз ихтиёрини пир-эшонларга топширмоғи лозим. Тариқат босқичида суфий ботиний илмларни эгаллаб олмоғи лозим.

Маърифат босқичида сўфий илоҳий илмларни ўрганмоғи ва ўзлаштирмоғи ёки ўз нафсини таниш жараёнидир. Айни пайтда маърифат эса бу худони таниш, билиш йўлидир. Маърифат ғайб оламни билиш, Оллоҳни излаш йўлидир. Маърифат бу оламнинг илоҳий моҳиятини, унинг илоҳий бирлигини билиш йўлидир. Ҳақиқат босқичида сўфий шахс, инсон сифатида етилиб, худога етишиш, унга сингиб кетиш ёки абадийликка эришиш, яъни фано - йўқлик босқичига етишади. Сўфий ўзлигидан кечиб худо билан топишади. Тасаввуф илми инсонни ўрганар экан, аввало, кишининг кўнглига, дилига таянади. Кўнглини, қалбни тарбиялашга, кўнгил кишини вояга етказишга интилади, чунки Оллоҳ фақат кишининг покиза қалбидагина жилва қилади. Тасаввуфда инсон жисмидаги худбинлик иллатлар, разолат дунёсига ҳирс кўйиш, жисм эҳтиёжи ва нафс таъмасидан келиб чиқади - деб ўргатилади. Комил инсон бўлиш учун аввало, жисм ва нафс эҳтиёжи ва таъмасини енгиши керак. Бунинг учун дунё муҳаббатидан воз кечиш ва Оллоҳ муҳаббатига кўнгил боғлаш даркор. Демак, тасаввуф илми инсон ҳақидаги илмдир. У инсон қалбига сайқал бериш илми. Тасаввуф қалб ибодати, унинг тўла тўқис поклиги ҳақидаги таълимотдир.

Назорат саволлари:

1. Тасаввуф тушунчасини талқинларини биласизми?
2. Шариат ҳақида гапиринг.
3. Тариқатни тушунтиринг.
4. Маърифатни шарҳланг.
5. Ҳақиқатни изоҳлаб беринг.

2-асосий савол: Уч олтин тариқатлар маънавияти

Дарсинг мақсади:

Талабаларга яссавия, кубровия ва нашқбандия тариқатлари ҳақида тушунча бериш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Аҳмад Яссавий ҳаёти ва меросини билади.
2. Яссавия тариқати ҳақида маълумот бера олади.
3. Яссавияни ўзига ҳос жиҳатларини кўрсатади.

4. Нажмиддин Кубро ҳаёти ва меросини билади.
5. Кубровия тариқати ҳақида сўзлаб беради.
6. Аш – шаъра қоидаларни шарҳлайди.
7. Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти билан танишади.
8. Нақшбандия тариқати ҳақида гапириб беради.
9. Нақшбандияни бошқа тариқатлар билан таққослайди.

2-асосий саволнинг баёни:

1. Аҳмад Яссавий Туркистоннинг Сайрам касабасида таваллуд топган. Аҳмад жуда барвақт ота-онасидан ажралиб, етим қолади. Уни бобоси Арслон боб тарбиялаб вояга етказди. У аввал Яссиди, сўнгра Бухорода Хожа Юсуф Ҳамадоний кўлида таълим олади. Кейинчалик Яссавий XII асрнинг энг кўзга кўринган шайхига айланади.

Яссавия тариқатида бойлик, бу дунё лазатлари инobatга олинмайди. У қораланади. Яссавияда қўлни ҳам, дилни ҳам бу дунёдан узиб, уларни худога боғлаш керак. Яссавий 63 ёшида илоҳ ишқига берилиб ер остига чиллага киради. Яссавий фикрича Оллоҳ жамолига мушаррафлик фақат узлату хилватда, зикру самодадур. Оллоҳ ишқига ёниш ва пировард натижасида у билан кўшилишга интилиш ҳар бир суфийнинг олий мақсади бўлганлиги учун Яссавий ўзининг "Мавту қибла онги мавту" (ўлишингдан бурун ўзингиз ўзлингиздан кечинг) шиорини илгари суради.

Шу билан бирга Аҳмад Яссавий Муҳаммад пайғамбаримиз амал қилган. "Фақирлик фаҳрим" ҳадиси шарифига ҳам амал қилганлиги маълум. Яссавия фалсафасини асосини ташкил этувчи хикматлари Яссавийда 4400 тадан ортиқ бўлиб, Яссавий ўз девонини тузган. Яссавий хикматларида кишиларни инсофли, диёнатли, иймонли бўлишга чақиради. Яссавий инсон ҳаётидаги катта кураши нафсни таслим этишга хизмат қиладиган кураш деб ҳисоблаган. Нафсга мағлуб шох қул, нафсдан устунликка эришган ғариб шохдир, деб айтади Яссавий. Яссавий хикматларидан бирида :

Нафс йўлига кирган киши расво бўлур.

Йўлдан озиб, тойиб, тўзиб тупроқ бўлур.

Ётса турса шайтон билан ҳамроҳ бўлур, - деб ёзади.

Яссавий тақводор инсон фазилатларига асосланиб, фақр иснон мақомларини ишлаб чиққан. Булар қуйидагилардан иборат:

1. Тавба. - эшикларни эшиги, қайтиш.
2. Ибодат - тангрига сиғиниш, Оллоҳга муножот қилиш.
3. Муҳаббат - тангрига чин дилдан талпиниш, интилиш.
4. Сабр-чидам.
5. Шукр-миннатдорлик.
6. Ризо-қалбдан кирларни кетиши.
7. Зухд – шубҳалардан парҳез.
8. Орифлилик- билимдонлик.

2. Нажмиддин Кубро 1145 йилда Хивада дунёга келади. Унинг асл номи Аҳмад ибн Умар бин Муҳаммад ал-Хавакӣ ал - Хоразмӣ бўлиб,

"Нажмиддин", "Кубро", "Абулжанноб", «Валийтарош» сўзлари бу зоти муборакнинг лақаб ва унвонларидир. Кубро 16-17 ёшларида Хоразмни тарк этиб, Эрон, Миср, Ироқ мамлакатларига илм олиш мақсадида кезади. Кубро ҳаётида Рўзбехон Мисрийнинг хизмати каттадир. У хатто унга ўз қизини бериб куёв қилади. Кубровия тариқатининг одоблари, яъни солиқларнинг ахлоқий қоидалари қуйидагилардан иборат бўлиб, у ўн қоида "аш-шаъра" деб аталади:

1. Тавба – қайтиш.
2. Зухд-дунёдан воз кечиш.
3. Таваккул-инон - ихтиёрни топшириш.
4. Қаноъат- қаноатли бўлиш.
5. Узлат-четланиш.
6. Мулозomat-давомли зикр
7. Таважжуҳ-бор вужуди ила муножот.
8. Сабр-чидам
9. Муҳоқоба-қалбни поклаш.
- 10.Ризо-Яратгандан розилик.

Юқоридаги қоидалар кейин нақшбандия тариқати яънада такомиллашади. Кубровия тариқат ўзида кўпроқ инсон муаммосини, гуманизм-инсонпарварлик ғояларини олдинга суради. Бундан ташқари илоҳий муҳаббат билан дунёвий муҳаббатни боғлиқ талқин этилади. Учинчидан кубровияда ватанпарварлик ғоялари жуда кучли ўз аксини топган.

3. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд 1318 йил Бухоро яқинидаги Қасри Хиндивон қишлоғида дунёга келган. 1389 йил шу қишлоқда ҳозирги Когон тумани Баҳоуддин қишлоғида вафот этган. Баҳоуддин Нақшбанд 11 қоидадан иборат бўлган нақшбандия тариқатига асос солган. Бу қоидалар қуйидагилардан иборат:

1. "Хуш дар дам" - ҳар дамни ҳуш ўтказиш.
2. "Назар бар қадам" - ҳар бир қадамга назорат.
3. "Сафар дар ватан"- ватан бўйлаб сайёҳат.
4. "Хилват дар анжуман"- эл улус билан бирга бўлиш.
5. "Ёдкард" - ёдлаш.
6. "Бозгашт"- қайтиш.
7. "Нигоҳдошт" – сақлаш.
8. "Ёздошт"-эслаш.
9. "Вуқуфи замон" - замон амри.
- 10."Вуқуфи ададий"- тартиб амри.
- 11."Вуқуфи калбий"-қалб амри.

Юқоридаги нақшбандия қоидаларини мукаммал бажарган киши комил инсон даражасига эришади. Нақшбандия тариқатини кишилар маънавиятига таъсир этадиган жиҳатларини қуйидагиларда кўриш мумкин:

➤ биринчидан, Нақшбандийликни бош шиори дил ба ёру, даст ба кор, ҳар бир киши учун икки маънавий марказ қалб ва шуурига бир вақтда, бирданига руҳий илоҳий, ақлий маънавий озиқа беради.

➤ иккинчидан, нақшбандия тариқатидан олинадиган яъни бир маънавий-руҳий озиқ, бу унинг халқ орасидаги балогардонлик назарияси ва амалиётидир.

➤ учинчидан, нақшбандия тариқатидаги зикри ҳафий ибодат усули унгача мавжуд бўлган зикри жаҳрий ибодат усулидан ўзининг ихлосийлик қуввати билан кучлироқ.

➤ тўртинчидан, ҳозирда Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари номлари билан бевосита боғлиқ ашёлар мавжудки: ҳазратнинг Бухорои шариф яқинидаги табаррук даҳмалари, "санги мурод"-(мурод тоши), қадамжолари, ҳазираларидаги муқаддас қудуқ, тут дарахти, "Аврод" асари ва ул ҳазратга тегишли қатор қудсий калималардир.

Назорат саволлари:

1. Аҳмад Яссавий ҳаётини биласизми?
2. Яссавия тариқати ҳақида нима биласиз ?
3. Факрлик мақомини моҳиятини очиб беринг.
4. Нажмиддин Кубро ҳаёти ҳақида нима биласиз ?
5. Кубро тасаввуфий мероси ҳақида гапиринг.
6. Аш- шаъра қоидаларини шарҳлаб беринг.
7. Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ҳақида нима биласиз ?
8. Нақшбандия қоидаларни санаб беринг.
9. Нақшбандия қоидаларидан илк 4 тасини шарҳлаб беринг.

Мавзу бўйича мустақил иш топшириқлар:

1. Марказий Осиёдаги тариқатлар тўғрисида маълумотлар тўплаш.
2. Марказий Осиёдаги буюк валийлар рўйхатини тузиш.

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

1. Тасаввуф таълимоти ўта мураккаб ва кенг қамровли таълимот эканлиги ҳақида маълумот берилди.
2. Уч буюк тариқат: яссавия, кубровия ва нақшбандияни ўзаро боғлиқ ва фарқли жиҳатлари таҳлил этиб берилди.

Адабиётлар:

1. Отамуротов С., Хусанов О. Маънавият асослари.Т.:2000, 90–102 бб.
2. Ахлоқ одобга оид ҳадис намуналари. Т.: 1992, 12-168 бб.
3. Комил инсон ҳақида тўрт рисола. Т.: 1992, 3-7 бб.
4. Комилов Н. Тасаввуф. 1- китоб. Т.: 1996, 20-28 бб.
5. Искандаров Б. Тасаввуф фалсафаси. Т.: 1995, 3-27 бб.
6. Комилов Н. Комил инсон - миллат келажаги. Т.: 2001, 24-33 бб.
7. Яссавий. Девони ҳикмат. Т. 1991.
8. Нажмиддин Кубро (мақолалар). Т. 1995.
9. Бокир. Баҳоуддин балогардон. Т. 1993 й.

8-МАВЗУ: Амир Темур маънавияти.

Асосий саволлар:

1. Амир Темур фаолияти, мероси ва маърифати.
2. Амир Темур маънавияти.

Таянч тушунча ва иборалар:

Соҳибқирон, Темур маърифати, шарафли номлари, Соҳибқирон сабоқлари, Темур тузуклари ва маънавияти,

1-асосий савол: Амир Темур фаолияти, унинг мероси ва маърифати.**Дарсинг мақсади:**

Талабаларга бобомиз Соҳибқирон Амир Темур фаолияти, унинг бизга қолдирган моддий ва маънавий ёдгорликлари, маърифати ҳамда маънавияти ҳақида тушунча бериш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Амир Темур ҳаётини билади.
2. Амир Темур мероси ҳақида тушунчага эга бўлади.
3. Темур тузуклари ҳақида маълумотга эга бўлади.
4. Темурни маърифатли ҳаётини ёритиб беради.
5. Амир Темур ҳаёт йўлини бошқа буюк Соҳибқиронлар ҳаёти билан таққослай олади.
6. Мустақиллик давридаги Темур фаолиятига бўлган ижобий муносабатларни илмий асослай олади.

1-асосий саволнинг баёни:

Шукурлар бўлсинки, мустақиллик туфайли кўп минг йиллик бой тарихимизни, шу жумладан улуғ бобомиз Амир Темурни атрофлича ўрганиш имкониятга эга бўлдик. Амир Темур буюк шахс, кураги ерга тегмаган саркарда, йирик давлат арбоби, қонуншунос, таланти меъмор, нотик, руҳшунос, шу билан бирга эл-юртини, халқини севган ва уни жаҳонга машҳур қилган инсон. Амир Темурнинг ҳаёт йўли, қилган амаллари, тарихи ва маънавияти кўп жилдлик асарлар ёзишга муносиб мавзу. Истибдод даврида биз бунга бажариш имкониятига эга эмас эдик. Чунки коммунистик ғоя бунга йўл бермас эди. Ҳали ўрта асрларда фаолият кўрсатиб, Амир Темур миллат тараққиётини, ватан мустақиллигини истаган ва шу мақсадда фаолият кўрсатган эди.

Юлдузлар! Самовий йўлдузлар. Миллат юлдузлари. Гўё улар ўртасида қандайдир узвийлик мавжуддек. Юлдузлар, узоқ-узоқлардан, само қаридан туриб, тунимизни ёритади. Инсоният тарихида қатор буюк даҳолар яшаб ўтганки, улар ҳар бир халқни, миллатни фахри ва ифтихоридир. Юлдузлар тунни ёритганидек, ҳар бир халқнинг даҳолари, ўша халқнинг маънавиятини ёритиб, жаҳонга кўз-кўз қилади. Туркийлар маънавиятида ана шундай даҳолардан бири Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларидир. Ҳар бир инсон - катта олам ичра кичик бир олам, инсон ўзида биологик, ақлий ва маънавий жиҳатларини мужассам этган зот. Инсон - оламни моддий ва маънавий жиҳатдан ўзлаштиради. У оламга келибдики, табиатни моддий меваси бўлган. ҳавога, озиқ-овқатга, кийим бошга, бошпанага ўзида эҳтиёж сезади. Инсонни моддий эҳтиёжи минимал

даражада қондирилгандан сўнг, унда маънавийликка эҳтиёж туғилади. Яъни бизнинг маънавий вужудимиз ҳар куни, ҳар доим ўзига маънавий озиқ қидиради. Шу мақсадда биз гулга маҳлиё бўлиб тикиламиз, яқин кишиларимиз билан мароқли суҳбат қурамиз, китоб-рўзнома ўқиймиз, телевизор кўрамиз, радио эшитиб, маънавий эҳтиёжларимизни қондирамиз.

Маънавият ва инсоннинг маънавий олами шундай бир улкан дунёки, у нафақат моддийликдан, табиатдан, балки инсонга-инсонлардан наслий, ақлий ва руҳий йўл билан ҳам ўтади. Маънавий озиқланишнинг энг буюк манбаи, бу миллатимиз маънавияти юлдузларидан чинорларидан оладиган сабоғимиздир. Сўзсиз Туркий маънавият дунёсида Соҳибқирон Амир Темур ўшандай маънавият чинорларидандир. Шу ўринда Соҳибқироннинг сўнгги маънавий ўғитларини (яъни васиятларини) келтириш ўринли бўлиб, буни биз маънавий ҳаётимизни дастурамалига айлантирмоғимиз лозим бўлади.

Амир Темур васиятлари :

- Ўғилларим! Миллатнинг улуғ мартабасини, саодатини сақламоқ учун сизларга қолдираётган васият ва тузукларни яхши ўқинг, асло унутманг ва тадбиқ этинг.
- Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир.
- Заифларни кўринг, йўқсулларни бойлар зулмига ташламанг.
- Адолат ва озодлик - дастурингиз, раҳбарингиз ўлсин !

Биз қуйида Соҳибқирон Амир Темурни жисмоний, наслий, ақлий, орифий, диний, руҳий баъзи бир маънавий қирралари устида тўхталдик.

Одатда оддий шахсларга ва тарихий шахсларга баҳо берилганда, фикр юритилганда, ўша шахсни у ёки бу жиҳатлари: хунари, меҳнати, кашфиёти ва ижоди ва бошқа жиҳатлари ижобий ёки салбий тахлил қилинади. Зероки, инсон шахси, унинг жисмоний, руҳий, ақлий, ахлоқий тизими ўта мураккаб, ранг баранг оламки, ҳар бир инсоннинг ўзи бир дунё. Ҳар бир инсон бошқа бир инсонга шакли- шамоили, тузилиши, ҳаракат фаолияти билан ўхшасада, лекин у ўзида қатор такрорланмас жиҳатларини мужассам этади. Ҳам илмий ва ҳам диний жиҳатдан олганда инсон мавжуд оламни, бу оламни олий махлуқотидир.

Хайёмона айтганда: Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз.

Ақл кўзни қораси жавҳари ҳам биз.

Тўғарак жаҳонни узук деб билсак.

Шаксиз унинг кўзи гавҳари ҳам биз.

Тарихий шахсларга, умуман шахсларга, жумладан, Амир Темур шахсига объектив баҳо беришда, бизнингча қуйидаги мезонлар асосида баҳо берилмоғи лозим :

1. Шахснинг жисмоний, физиологик тизимига.
2. Шахснинг руҳиятига.
3. Шахснинг ақлий қобилиятига.
4. Шахснинг маънавий дунёқарашига.

Тўғри кишиларда юқоридаги мезонларни у ёки бу қирраси устувор тарзда бўлади, лекин етук инсонларда бизнингча юқоридаги мезонлар оптимал даражада бўлади. Шу маънода олиб қараганда, биз Амир Темур тарихий шахсини жисмоний жиҳатлари ҳақида ўз фикримизни билдирмоқчимиз. Амир Темурнинг бошқа жиҳатлари тўғрисида манба ва адабиётларда етарли маълумот берилган. Амир Темур тўғрисидаги тарихий асарларда Темурнинг болалигиданоқ баркамол ўсиб, замонасининг бадавлат оиласида вояга етганлиги қайд этилади. У 15-20 ёшларида ўз тенгқурлари орасида эътиборли, ғайратли ботир инсон, йигит бўлганлиги, бу Темур таржимаи ҳолида ва бошқа бир қатор манбаларда қайд этилган. Темур тўғрисида муаррихлар Темур портретини баҳоли қудрат сўз тасвири орқали ёзиб қолдирганлар. Шахсни жисмоний баркамоллигини биринчи навбатда таҳлил этишимизнинг ҳам боиси бор. Барча замонларда ҳам жисмоний етук одамлар жамиятни илғор ижтимоий қатламини ташкил этган. Лекин бу масалада бутун ўрта асрларда ғарб ва шарқда алоҳида инсоний камолот қирраси саналганки, бу даврда жисмоний етукликсиз сиёсий саҳнага чиқиш амри маҳол эди. Камдан - кам ҳоллардагина аксинча бўлиши мумкин. Шундай бўлганда ҳам узок вақт давомида тахтда туролмаган. Темур бобомиз ҳам ўрта асрлар фарзанди эди. Шунинг учун ҳам юқоридаги фикр Амир Темур шахсида ўз ифодасини топади. Тарихчи Ибн Арабшоҳ Амир Темур портретини: Темур баланд қадли, узун бўйли, тик қоматли, гўё қадимий пахловонлар авлодидан бўлиб, кенг пешонали, катта бошли, бағоят кучли ва салобатли, ранги оқ қизил юзли, лекин доғсиз, қўл оёқлари бақувват, елкалари кенг, бармоқлари йўғон, пайчалари семиз, қадди-қомати камолига етган киши эди, - деб таърифлайди.

Али Яздий Темур портретини қуйидагича таҳмий ифодалайди:

Ишлатиб уқувин мардлик қувватин

Кўкларга кўтарди шону шавкатин.

Вамбери ёзганидек: У (Темур) аввало Осиё саркардаси эди. Зеро, мағрур халқни, юртни ҳукумдорлари ҳам у халққа муносиб бўлмоғи табиий ҳолдир. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Амир Темур ўз даврининг баланд бўйли, жисмоний кучли шахс бўлган эдики, бу жиҳат унинг руҳий, ақлий ва маънавий олами билан биргаликда сиёсий саҳнада 35 йил ҳукмронлик қилишига замин бўлиб хизмат қилган. Темур ҳаёт-фаолиятини биринчи даврларида, айниқса 25-30 ёшларигача унинг жисмоний етуклиги муҳим аҳамият касб етган. Бу етуклик келгусида Темурнинг сиёсий саҳнага келтирган омиллардан бири бўлган десак муболоға бўлмас.

Марказий Осиё уйғониш даврининг асосчиларидан бири саналмиш Амир Темур ҳам ўз даврининг маърифатпарвари бўлганки, буни биз қуйидаги жиҳатларда кўраемиз:

Аввало Амир Темур ўз замонасининг фозил оиласини фарзанди бўлган. Унинг отаси Тарағай Баҳодир барлос уруғининг улуғ, эътиборли кишиларидан бири эди. Онаси Тегина бегим эса Бухоролик мулло

Убайдулло ибн Маҳмуднинг кизлари эди. Демак, Темур даврининг бадавлат ва маърифатли оиласининг фарзанди бўлган.

Амир Темур сиёсий саҳнага келгандан бошлабоқ илм фан, зиё аҳлига эътибор қаратади. Хатто, уларни салтанат тахтини ўнг тарафидан жой олиб ўтиришига фармон берган. Бу эса Темур ўзи учун амир-амалдорлардан ҳам зиё аҳлини яқин тутганлигини кўрсатади.

Амир Темур мамлакатадаги таълим системасига ўз диққат - эътиборини қаратди. Мусулмонларга диний масалалардан таълим бериб, шариат ақидалари ва ислом илмлари: тафсир, хадис, фикҳдан дарс берсинлар деб, ҳар бир шаҳарга мударрислар тайин қилдим. - деб қайд этади у ўз тузукларида.

Амир Темур ҳарбий юришларида ҳам илм фан ғамини еб, Шариф Журжоний, Саъдиддин Тафтазоний, Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий, ибн Арабшоҳ, ибн Халдун каби зиё пешволарини Самарқанд олиб келди. Бу эса келгусида ўша давр тарих илми тараққиёти учун замин бўлиб хизмат қилди.

Амир Темур келгусида давлатни бошқариш тизими, ўқимишли, саводхон кишилар қўлида бўлишлигини ўйлаб, бўлгуси тахт ворислари: ўғли Шохруҳ ва севимли набираларини: Муҳаммад Султон, Халил Султон, Мирзо Улуғбек кабиларни тарбиясини ўзининг энг ишончли ва тажрибали, оқила аёли Сароймулк хоним қўлига топширади. Сохибқироннинг бу режаси ўз тасдиғини Улуғбек фаолияти мисолида топди.

Темур нафақат мол-дунё, фозил, ҳунарманд одамларни, балки маънавият хазинаси бўлмиш китобларни ҳам ўз юртига олиб келди. Бу тўғрида: у Бурса кутубхонасидаги китобларни юк ташийдиган хайвонларга ортиб, Самарқандга кўчиртирган,- деб қайд этади Х.Вамбери.

Амир Темурни маърифатпарварлигини кўрсатувчи яна бир муҳим манба мавжуддирки, бу ҳам бўлса унинг номи билан бевосита ва билвосита боғлиқ бўлган "Темур тузуклари" ва "Темур таржимаи холи" дир.

Юқорида санаб ўтилган жиҳатларидан кўриниб турибдики ҳақиқатдан ҳам Амир Темур ўз даврида ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт соҳаларида бўлганидек, маърифат соҳасида ҳам эзгу ишларни амалга оширган. Бу эса бизга Амир Темурнинг Марказий Осиёнинг этук маърифатпарварлари қаторида кўришимизга имкон беради. Вамбери ибораси билан айтганда: Темурнинг тузуми Мовароуннаҳр учун ҳеч шубҳасиз энг дабдабали давр бўлиб, турк халқи учун шундай зиё берадики, баъзи қавмлар, эллар ҳозиргача ундан ҳарорат оладилар. Хулоса қилиб айтганда Амир Темур том маънода ўз даврининг маърифатпарвари эди.

Назорат саволлари:

1. Амир Темур ҳаётини дастлабки даври ҳақида нима биласиз ?
2. Амир Темур маънавияти деганда нимани тушунасиз.
3. Амир Темур васиятларини моҳиятини очиб бера оласизми.

4. Амир Темур Осиё саркардаси деганда нимани тушунаси.
5. Амир Темур маърифати ҳақида нима биласиз.
6. Амир Темур мероси ҳақида гапириб беринг.

2-асосий савол: Амир Темур маънавияти.

Дарснинг мақсади:

Талабаларга Амир Темур шарафли номлари, фаолиятдан чиқариладиган сабоқлар ва Темур тузукларидаги баъзи бир маънавият муаммолари ҳақида маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Амир Темурнинг шарафли номларни билади.
2. Амир Темур фаолияти юзасидан умумий тасаввурга эга бўлади.
3. Амир Темур сабоқларини санаб беради.
4. Темур тузуклари ҳақида гапиради.
5. Тузукларда маънавият муаммоларини ёритилишини кўрсатиб бера олади.
6. Тузуклар билан бошқа қонунларни таққослай олади.

2-асосий саволнинг баёни:

Шарқоналикда шундай бир тарихий анъана борки, киши ўз ҳаёти давомида бир неча шарафли номларга сазовар бўлади. Яъни ҳар бир киши ҳаёти давомида кўшимча номга, лақабга, мушарраф бўлади. Одатда бундай номлар кишиларнинг меҳнати, ижоди, шижоати, хатти-ҳаракати ва муносабатларига қараб берилади. Мусулмонлик қонидасига биноан болага исм кичик чилласидаёқ қўйилади. Ҳар бир қўйилган ном маъно-мазмун касб этиб, унда эзгулик ният қилинган бўлади. Лекин инсон зоти ўзининг шарафли номини келгуси ҳаётидаги хизматлари эвазига олади. Бу шарафли номлар инсон фаолияти дунёсини қайсидир, бир қиррасини очади. Баъзида шундай берилган ном, мангу номга айланиб кетади.

Ўшандай шарафли номларини бир нечасига мушарраф бўлган буюк зотлар орасида бобомиз Амир Темур ҳам борлар. Бобомиз Амир Темур: Соҳибқирон, амир, кўрагон, жаҳонгир, жаҳонкушой, фотиҳ, исқандари соний, абдулмансур, кутбиддин, ҳумоюн, он-ҳазрат, султон ғозий, Темурбек, Темурхон каби шарафли номларга мушарраф бўлганлар. Ушбу муқаддас номларнинг мазмуни ва характериға кўра бир неча гуруҳга ажратиш мумкин:

Темурнинг диний-илохий шарафли номлари: Кутбиддин, Соҳибқирон, Султон ғозий, Амир ва бошқалар:

Темурнинг ҳарбий қобилияти учун олган шарафли номлари: Жаҳонгир, Жаҳонкушой, Фотиҳ, Абдулмансур ва бошқалар.

Темур шахсини улуғлаш учун берилган шарафли номлар: Искандари соний, Хумоюн, Он-ҳазрат, шахоншоҳ ва бошқалар.

Темур шахсини, унинг шарафли номларини ўрганиш бобомиз маънавий оламини кашф этиш мезонларидан биридир. Амир Темурнинг шарафли номларини билиш, ўрганиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Зеро, улуғларнинг номи ҳам улуғдир.

Амир Темур ўз даврида мавжуд, жуда кўп сохаларида фаолият кўрсатди. Унда саркардалик, раҳбарлик, маърифатпарварлик, меъморлик, қонуншунослик каби қатор қирралар мавжуд. Биз Амир Темур маънавиятидан қуйидаги жиҳатлари орқали озиқланамиз:

- Сиёсий фаолиятидан оладиган сабоқларимиз.
- Иқтисодий фаолиятидан оладиган сабоқларимиз.
- Маданий фаолиятидан оладиган сабоқларимиз.

Амир Темур сабоқларини қуйидагилар деб билиш мумкин:

- У марказлашган давлат бошқарув тизимини яратган.
- Салтанатда осойишталикни таъминланшни энг асосий вазифа деб билган.
- Унинг даврида солиқ тизими тараққий этган.
- Илм аҳлига ғамхўрлик кўрсатиб турган.
- Мамлакат мудофаа қудратини мустаҳкамлашга эътибор берган.
- Минтақалардаги ҳақиқий аҳволга катта эътибор берган.
- Мансабдор шахсларни танлашга катта эътибор берган.
- Давлат аҳамиятига молик ишлар кенгашиб ҳал этилган.
- Тузуқлар асосида жамият ҳуқуқий ҳаётини бошқаришни йўлга қўйган.
- Жамият ривожига барча ижтимоий табақалар фаолиятини назарда тутган.
- Ташқи сиёсатда қатъий ҳаракат қилган.
- Мустақил давлат ўзининг миллий ғоясига эга бўлиш шартлигини Амир Темур давлати тимсолида кўрамиз.

Темур тузуқлари подшоҳларнинг туриш турмуши ва ахлоқ одоби нормаларини белгиловчи рисоладир. Асар икки қисмдан иборат:

1. Қисм. Жаҳон тарихида машҳур фотиҳ, саркарда ва истеъдодли давлат арбоби сифатида ном қолдирган Темурнинг 7 ёшидан (1342 й) дан то вафоти (1405 й) га қадар бўлган ҳаёти ва ижтимоий сиёсий фаолияти, аниқроқ қилиб айтганда, унинг Мовароуннаҳрда марказий ҳокимиятни қўлга киритиш ва феодал тарқоқликка барҳам бериш ва марказлаштирган давлат тузиш, қўшни юрт ва мамлакатларга қилган юришлари ихчам баён этилган.

2. Қисм. Жаҳонгирнинг номидан айтилган ва унинг тожу тахт ворисларига аталган, ўзига хос васият ва панд насиҳатларидан иборат.

Темур тузуқларини иккинчи қисми Амир Темурни 12 тузиги ҳақидаги жумлалар билан бошланади. Амир Темур ёзади: мен ўн икки нарсани ўзимга шиор қилиб олиб, салтанат мартабасига эришдим. Шу ўн икки нарса ёрдамида мамлакатларни забт этиб, салтанатимни бошқардим ва салтанат тахтига зеб-зийнат бердим, - деб. Амир Темурни тузуқлари юрт хукмдорлари, ўз меросхўрларига васият, панду насиҳатлар бўлсада, ундаги ҳар биримиз олишмиз мумкин бўлган насиҳатлар ва умуман унинг ўғитлари, панду насиҳатлари, бугунги кунда ҳам долзарб ва аҳамиятлидир.

▪ Куч адолатдадир. Али Яздийнинг қайд этишича, Амир Темурнинг ҳарактерли хусусиятларидан бири-давлат, мамлакат, фуқаронинг ғамхўрлиги эди. Унинг қоидаси: Рост русти эди. (яъни куч адолатдадир). Юртбошимиз ушбу шиорини давримизга мослаб, "Куч билим ва тафаккурдадир" деб бойитадилар.

- Давлат давлатлигини, дин эса дилигини қилиши керак.
- Ишон аммо шубҳа қил.
- Дўсту душман билан муросаю мадора қилдим.
- Ҳайр эҳсон ишларим билан одамлар кўнглидан жой олдим.
- Олим аҳлининг барчаси дунё талабдир.
- Яхшини ёмон кунда сина.
- Филнинг думи бўлгунча, чумолининг боши бўл.
- Адоват эмас адолат енгади.
- Той минган от ҳам минади.

Амир Темур серқирра маънавий ўғитларидан баҳраманд бўлиш ҳар биримизга насиб этсин.

Назорат саволлари:

1. Шарафли номлар нима?
2. Амир Темур фаолиятини қайси жабҳаларга бўлиш мумкин.
3. Амир Темур сабоқлари ҳақида гапириб беринг.
4. Темур тузуклари ҳақида гапиринг.
5. Амир Темур қимматли ўғитларидан намуналар келтиринг.
6. Темур ўғитларини бугунги кундаги аҳамиятини айтинг.

Мавзу бўйича мустақил иш топшириқлар:

1. Амир Темурнинг шарафли номларини ўрганиб келиш.
2. Амир Темур ҳикматли сўзларидан 10 тасини ёд олиш.

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

1. Амир Темурнинг маънавий соҳада қилган ободончилик, маърифатпарварлик, ижодкорлик каби би қатор хизмат қирралари очиб берилди.

2. Амир Темурнинг маънавий қиррасини таркибий жихат ва сифатлари ёритиб берилди.

Адабиётлар:

1. Ахмедов Б. Амир Темур дарслари. Т.: 2001. 3-136 бб.
2. Муҳаммаджонов А. Темур ва Темурийлар салтанати. Т.: 1996. 87-95 бб.
3. Темур тузуклари. Т.: 1991. 53-107 бб.
4. Амир Темур ва Франция. Т.: 1996. 5-19 бб.
5. Амир Темур ва ҳозирги замон. Гулистон: 1996. 3-114 бб.
6. Исмоилов С. Темур тафаккури. Гулистон: 1999. 3-30 бб.

9-МАВЗУ: Комил инсон маънавияти ва унинг асосий мезонлари.

Асосий саволлар:

1. «Баркамол» ва «комил» инсон тушунчалари ва уларнинг шакллари.

2. Комил инсон мезонлари ва қирралари.

Таянч тушунча ва иборалар:

Комил, баркамол, баркамол авлод, соғлом авлод, ахли маъни, ахли сурат, жамоллик, жалоллик, камоллик, такводор инсон, фозил инсон, футувват ахли, мукаммал инсон, рубъу маскун, мустақиллик ва баркамол авлод.

1-асосий савол. Комил ва баркамол инсон тушунчалари ва уларнинг шакллари.

Дарсинг мақсади: Талабаларга комил ва баркамол инсон тушунчалари ва унинг моҳияти ҳақида маълумот бериш

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Комил сўзини билади.
2. Баркамол сўзини тушунтира олади.
3. Комил ва баркамол тушунчаларини таққослайди.
4. Баркамол авлод тушунчасини шарҳлай олади.
5. Соғлом авлод тўғрисида ўз фикрини мустақил айта олади.
6. Баркамол авлод келажак пойдевори эканлигини асослаб беради.
7. Баркамол авлод тарбиясига ватанимизда берилаётган эътиборни ёрита олади.
8. Комиллик ва баркамоллик ҳақида ўз фикрини баён қилади.

1-асосий саволнинг баёни:

Президентимиз ёзганларидек: "... Келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом баркамол насли тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиз»дир. Комил инсондаги «комил» сўзи арабча сўз бўлиб, бу тушунча бизга араб тилидан кириб келган ва ўзбекчада «етук» деган маънони англатади. Бу тушунча халқимиз ҳаётида ўрта асрлар яъни X-XII асрларда шаклланган. Баркамол инсон тушунчаси эса, форсча - арабча сўзлар бирикмасидан ясалган тушунча бўлиб, бу ўринда «бар» форсча олиб бормок, «камол» етуклик, яъни комилликка элитувчи, олиб боровчи маъносини билдиради. Ҳозирги даврда комил инсон дейилганда қуйидаги хислатларга эга бўлган инсон тушунилади:

Маънавий жиҳатдан етук.

Рухий жиҳатдан етук.

Ахлоқий жиҳатдан етук.

Ақлий жиҳатдан етук

Жисмоний жиҳатдан этук.

Яъни, киши ички олами гўзал, иродали, юксак ахлоқли, теран мушоҳадали ва соғлом танли бўлиши лозим. Ҳозирги кунга келиб, Ўзбекистонда баркамол инсон дейилганда:

Озодлик ва эркинлик

Адолатлилик

Ватанпарварлик руҳида тарбияланган инсон тушунилади. Ҳозирги даврда бизнинг олдимизда турган асосий мақсадимиз соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб улғайтириш, шу мақсадда юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда муносиб хиссасини қўшмоғи

лозим. Шундагина биз кўзланган мақсадга эришамиз. Зеро, баркамол авлод - келажагимиз пойдеворидир. Комил инсон ҳақидаги таълимот инсонни ҳар жиҳатдан инсоний, ахлоқий, илмий, эътиқод ва бошқа соҳаларда энг юксак камолотга эриштиради.

Ўзбек халқи ўз тарихида ҳеч ҳачон беватан бўлган эмас. Лекин уни эрки ўз қўлида бўлган ва бўлмаган кунлари бўлган. Мустақиллик шароитида кишиларда ватанпарварлик хиссини уйғотиш, кенгайтириш ва мустахкамлаш алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Муҳим вазифа Ўзбекистондаги ҳар бир инсонни миллати, дини, тилидан қатъий назар ватанпарварлик руҳида, қадимий моддий ва маънавий маданиятнинг масканларидан бири бўлмиш бу ҳудуднинг ҳақиқий жонкуярлари этиб тарбиялашдир.

«Оллоҳ одамни раҳмон суратида яратади» деган Ҳадиси Шариф мавжуд. Комил инсон, шу тариқа, Оллоҳнинг Раҳмони Раҳим сифатларига эга бўлди. Комил инсон тимсоли Ибн Арабий ва Гилоний талқинларича бу Муҳаммад Саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳазратлардир. Азизидин Насафий эса комил инсонга таъриф бериб ёзади: Комил инсон ўз тарихий тараққиётда: «имонли-тақводор инсон», «фақр инсон», «аш-шаъра», «рубъу маскун» ва бошқа шакллари босиб ўтган. Улар ўз сифатий кўринишлар ибтидосини ислом таълимоти замиридан олган ва бир меъёрга келтирилган.

Назорат саволлари:

1. Комил ва баркамол инсон ким?
2. Комил ва баркамол инсонларни таққослай оласизми?
3. Баркамол авлод тўғрисида гапиринг?
4. Президентимизни, Баркамол авлод келажагимиз пойдевори иборасини шарҳлай оласизми?
5. Ўзбекистонда янги авлод тарбияси борасида олиб борилаётган ишлар юзасидан фикрингизни айтинг?
6. Ушбу мавзунини ўқиган китобларингизга асосланиб гапириб беринг?

2-асосий савол: Комил инсон мезонлари, қирралари ва камолот омиллари

Дарсининг мақсади:

Талабаларга комил инсон мезонлари, унинг қирралари ва камолот омиллари ҳақида маълумот беради.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Инсон ва унинг эҳтиёжини билади.
2. Маънавий камолот нималигини тушунтиради.
3. Маънавий камолот муаммосини билади.
4. Фидойи Ўзбекистон фуқароларини камолоти муаммоларини изоҳлайди.
5. Республикамиздаги маънавий камолот муаммоларини бошқа республика ва давлатлар билан таққослай олади.

2-асосий саволнинг баёни:

Комил инсон тушунчаси тасаввуфдаги асосий мавзулардан биридир. Ҳозиргача мавжуд диний ва дунёвий адабиётларда унинг шаклланиш мезонлари ҳақида бир қатор талқин ва таърифлар илгари сурилган. Комил инсон шаклланишининг қуйидаги жиҳат-мезонларини қайд этиб ўтиш мумкин.

1. Комил инсон бу Оллоҳни халифаси эканлиги. Яъни Тангри инсонни ўзининг ердаги халифаси, ўринбосари сифатида яратган. Қуръони Каримнинг Ал-исро сурасида «Биз одам болаларини азизу мукаррам қилиб яратдик», - деган оятни ўқиймиз.

2. Комил инсон – Муҳаммад Алайҳиссалом сифатидаги инсондир. Абдулкарим Жимий «Борлиқнинг яратилгандан бери комил инсон бордир ва унинг ўзига хос ҳақиқати бор. Асли исми Муҳаммад бўлиб, ҳар асрда бошқа суратда ва бошқа номлар билан кўринади.

3. Комил инсон тариқат босқичларини босиб ўтган инсондир. Азизидин Насафий комил инсонга таъриф бериб ёзади: «Билгинки, комил инсон деб шариат, тариқат ва ҳақиқатда этук бўлган одамга айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайин: билгинки, комил инсон шундай инсондирким, унда қуйидаги тўрт нарса камолга этган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф».

4. Комил инсон – Ҳадисларга амал қилувчи зотдир. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд «Барча ҳолатда ҳам қадамнинг амру наҳий кўчасида бўлсин, суннатни ҳамиша жойига қўйишга интил, бидъатлардан узоқ бўл, Мустафо саллаллоҳу алайҳи вассалламнинг ҳадисларини ўзингга пешво қилиб ол, Расуллуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассаллам ва унинг улўғ саҳобалари, ризвонуллоҳи алайҳим ажмаъин асарлари ва хабарларини изловчи ва ўрганувчи бўл!», -деб васият қиладилар ўз шогирдларига.

5. Комил инсон - мутасаввуфлар томонидан ишлаб чиқилган маълум мақомларни босиб ўтган кишилардир. Бундай мақомлар яссавия тариқатида 8 та, кубровия тариқатида 10 та, нақшбандия тариқатида 11 та ва ҳоказо.

6. Комил инсон нафсини тийган, саҳоватпеша, ҳаёти фақат яхшилик қилишга бағишланган инсондир.

Комил инсон мавзусига бағишланиб, алоҳида, махсус китоблар ёзилган. Булардан Саййид Абдулкарим Гелоний ва Азизиддин Насафийнинг «Комил инсон» номли рисоаларини келтириб ўтиш мумкин. Аслида эса комил инсон тушунчасини биринчи марта Шайхи Кабир номи билан машҳур бўлган Мухъйиддин Ибн-ал-Арабий (1165-1240) томонидан муомилага киритилган.

Назорат саволлар:

1. Инсон эҳтиёжлари ҳақида нима биласиз?
2. Маънавий камолот нима?
3. Ўзбекистон фуқароларини камолоти ҳақида гапиринг.
4. Маънавий камолот муаммоларини такқосланг.
5. Эзгулик йўли ҳақида гапиринг.

6. Шарқона ахлоқ кодекси жумласини шарҳлаб беринг.
7. Ўзбекона тарбия усулини таҳлил қилинг.

Мавзу бўйича мустақил иш топшириқлар:

1. Баркамол инсонинг асосий фазилатларини санаш.
2. Баркамол инсонга салбий таъсир қиладиган қусурларни санаш.

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

1. Баркамол ва комил инсон тушунчаси уларнинг мазмун моҳияти бир-бири билан алоқаси ва фарқли жиҳатлари ёритиб берилди.
2. Баркамол ва комил инсоннинг ахлоқий, ақлий, маънавий-руҳий ва жисмоний фазилатлари таҳлил этилди.

Адабиётлар:

1. Каримов. И.А. Истиқлол ва маънавият. Т.: 1994, 68-71; 84-87 бб.
2. Каримов И. Баркамол авлод орзуси. Т.: 1998. 8-31 бб.
3. «Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз». 43-30 бб.
4. Махкамов У. Ахлоқ одоб собоклари. Т.: 1994, 70-72 бб.
5. Комил инсон ҳақида турт рисола. Т.: 1997, 3-7 бб.
6. Усмонов И. Баркамоллик одоби. Т.: 1997, 3-61 бб.
7. Юсупов Э. Маънавият камолот оилари. Т.: 1995, 3-32 бб.
8. Юсупов Э. Ёшлар ўртасида ватанпарварлик тарбиясини амалга ошириш йўллари. Университет. Т.: 1996, 3-23 бб.

10-МАВЗУ: Ватанпарварлик ва инсонпарварлик маънавий инсон қиёфасини асосий мезони.

Асосий саволлар:

1. Ватан, ватанпарварлик, ватан туйғуси тушунчалари ва уларнинг маънавият тизимидаги ўрни.
2. Инсонпарварлик, гуманизм тушунчалари ва унинг қирралари.

Таянч тушунча ва иборалар:

Ватан, юрт, ватан саждагоҳ, ватанпарварлик, ватан туйғуси, ватанпарварлик қирралари, ўзбек фуқаросини ватанпарварлиги, инсонпарварлик, гуманизм.

1-асосий савол: Ватан, ватанпарварлик, ватан туйғуси тушунчалари ва уларнинг маънавият тизимидаги ўрни.

Дарсинг мақсади:

Талабаларга ватан, юрт, ватанпарварлик ва ватан туйғуси тушунчалари, уларни моҳияти ҳақида маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Ватан, юрт тушунчасини билади.
2. Ватанпарварлик тушунчасини тушунтира олади.
3. Ўзбекона ватанпарварликни ўзига хослигини айтиб беради.
4. Ватан саждагоҳимдир жумласини шарҳлаб беради.
5. Ватанпарварликни маънавият тизимидаги ўрнини кўрсатади.

1-асосий саволнинг баёни:

Ватан - ҳар бир кишида ўз уйи, туғилиб ўсган юрти, энг яқин кишилари ота-она, ака-ука, опа-сингиллари билан бирга яшаган ҳудуд. Ватан сўзи ҳамиша она сўзи билан ёнма-ён келади. Ватан тушунчаси арабча сўз бўлиб, юрт, ўлка деган маънони билдиради. У тор ва кенг маънода тушунилади. Тор-маънода ватан киши туғилиб ўсган, яшаган, яшаётган уй, маҳалла, қишлоқдир. Кенг-маънода ватан бир халқ вакиллари жамулжам яшаб турган, уларнинг аجدодлари азал-азалдан истиқомат қилиб келган ҳудуддир.

Ўзбекларда ватанли бўлди-уй жойли бўлди, ватангадо, ватансиз - ватан тополмай юрган киши, ватанфуруш-ватан ҳоини каби иборалар бор. Алихонтўра Соғуний: маълумдирки, дунёда яшаган ҳар бир кишининг энг аямлик (аяшга лойиқ) қизганиб сақлайдиган беш нарсаси бордир: биринчи -жони, кейингилари-дини, моли, оиласи, она ватанидир,-деб ёзган бўлса, файласуф Ҳ.Пўлатов: ватан муқаддас қадрият. У инсоннинг киндик қони тўкилган жой, - деб ёзади.

Юқоридагиларга асосан айтиш мумкинки, ватан ўзи туғилиб ўсган манзил, фуқаро, эл, халқни юксакликка йўналтирадиган миллатнинг моддий бойликлари, обидалари, маданий неъматалари, қадриятлари, анъаналари ва маънавий салоҳияти бўлган дини, эътиқоди, тили, мероси, иймонини шакллантирадиган макон. Илм-фанни, меҳнатни, касб-хунарни, техникани ўрганадиган жой-майдон бўлиб, уларни бир авлоддан иккинчи авлодга етказадиган кишиларнинг иродали ҳаракат фаолиятларини белгиловчи она заминдир.

Ватан ҳам, ватанга муҳаббат туйғуси ҳам инсон учун илоҳий бир неъмат. Шунинг учун ҳам у ҳар бир кишига азиз ва мўътабардир. Абдурауф Фитрат бир шеърида "Ватан саждагоҳимдир" деган фикрни баён қилади. Чиндан ҳам ватан туйғуси ватан тушунчаси биз учун саждагоҳдай, қиблагохдай муқаддас ва азиз бўлмоғи лозим. Ватанпарварлик тушунчасини ўзаги грекча "патрис" сўзидан олинган бўлиб, "патриот"- "ватан" демакдир. Ушбу тушунча ҳам ахлоқий ва сиёсий тамоил, ҳам ижтимоий ҳиссиёт сифатида қаралади. Уни асосий жиҳатларини:

- Ватанга муҳаббат.
- Ватанга содиқлик.
- Ватаннинг ўтмиши ва ҳозирги билан фахрланиши ҳисси.
- Ватан манфаатларини ҳимояси учун интилиш ҳиссиётлари ташкил этади. Ушбу ҳиссиёт кишилар орасида минг йиллар бурун қарор топган. Тарихда ватанпарварлик она ерга боғлиқлик, тилга боғлиқлик, анъаналарга боғлиқлик ҳолатида қарор топган. Хадиси Шарифларда "Ватанни севмок имондадир", деб бежиз айтилмаган. Ватанни севиш ватанпарвар бўлиш демакдир. Ватан ҳисси ва туйғуси ватанпарварликни муҳим киррасидир. Ватан туйғуси бу:
 - Ўзбек халқини макони бу Ўзбекистон эканлигини англашдир.
 - Ўтган аجدодлар ёдидир.
 - Ватан ҳимояси учун доим шай туришдир.

- Мустақиллик учун курашишдир.
- Ватан тараққиёти учун ситқидилдан меҳнат қилишдир.
- Халқнинг меросига хурмат билан қарашдир.

Ватан туйғуси ҳар кимнинг қонига она алласи, болаликда эшитган шеър, қўшиқлари билан киради. Ватанпарварлик туйғуси гўдақликдан бошлаб шаклланса, у сўнгги нафасгача боқий бўлади. Президентимиз И.А.Каримов ёзганларидек: Ватаннинг ҳар бир асл фарзанди ўзини она юртининг ажралмас бўлаги деб ҳис этапти ва бундан фахрланяпти. Истиқлол берган энг катта бойликлардан биринчиси ана шу десак, асло янглишмаган бўламиз.

Ватанпарварлик қирралари қуйидаги жиҳатлардан иборатдир :

- Бу она заминга бўлган муҳаббат.
- Бу она ватан, мустақил Ўзбекистон тушунчаларини ўз онгига сингдириш.
- Бу ватанимиз халқига ҳақиқий жонкуяр бўлиш.
- Ватан тарихини чуқур билишга эришиш.
- Ўзбек халқини маданий меросини асрвб авайлаш, унинг бугунги кундаги аҳамиятини билиш.
- Ўз миллатига, она ерига, имонига содиқлик.
- Соғлом кучлар, соғлом тафаккур эгалари, имони покизалиқдир.
- Миллат манфаати билан яшашдир.
- Ўз халқига бўлган фидойиликлари билан яшашдир.
- Шахсни ахлоқий шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми
- Ватан тимсолларини (конституция, байроқ, герб, мадҳия, миллий валютани) ифтихор деб билишдир.
- Ватанпарварлик бўлғуси ватан фидойиларини камол топтиришдан иборатдир.

Юқоридаги жиҳатларини ўзида бутунлай акс эттирган инсон том маънода ватанпарвардир. Ватанпарварлик жумлаи жаҳондаги барча халқларнинг донишманд ва солиқ фарзандларига хос бўлган фазиладир.

- Кимки ўз юртини севмаса, у ҳеч нимани севолмайди.

Ватанга нафи йўқ яшалган ҳар кун, инсон ҳаётини қилур бемазмун, деган Саломон Соважий.

Юртбошимиз томонидан мамлакатимиз ривожининг қуйидаги маънавий-ахлоқий негизлари ишлаб чиқилган :

- Умуминсоний кадриятларга содиқлик.
- Халқимиз маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш.
- Инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиш.
- Ватанпарварлик.

Яъни, Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган маънавий соҳадаги стратегик вазифада ватанпарварлик тушунчаси муҳим ўрин, аҳамият касб этади. Ўзбекистон фуқаросини ватанпарварлиги:

Бу қайта ўзгаришлар йўлини кўрсатувчи, кўзланган мақсаддан четга чиқмайдиган йўлчи йўлдуз, ишончли компосдир.

- Ўзбекистонга
- Ери - табиатига
- Халқига муҳаббат.
- Маданиятини теран билиб олишга интилиш
- Қудратидан фахрланиш.
- Қисмати учун қайғуришдир.

Назорат саволлари:

1. Ватан тушунчасини биласизми ?
2. Ватан туйғусини биласизми ?
3. Ўзбекона ватанпарварликни айтиб беринг.
4. Ватанпарварлик қирраларини санаб беринг.
5. Маънавий -ахлоқий ривожланиш мезонларини айтинг.

2-асосий савол: Инсонпарварлик, гуманизм тушунчалари ва унинг қирралари.

Дарснинг мақсади:

Талабаларга инсонпарварлик, гуманизм тушунчалари ва уларни моҳияти ҳақида маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлар :

1. Инсонпарварлик тушунчасини билади.
2. Гуманизм тушунчасини айтиб беради.
3. Инсонпарварлик тушунчасини маънавият тизимидаги ўрнини кўрсата олади.
4. Инсонпарварлик қирраларини санайди.

2-асосий саволнинг баёни:

Инсонпарварлик тушунчаси ҳам ватанпарварлик тушунчаси билан уйғундир. Ватанпарварлик учун интилиш ва унинг учун курашишнинг ғоявий заминиди инсонпарварлик ғояси ётади. Инсонпарварлик тушунчаси арабча: инсон- тожикча: -парвар- ва ўзбекча: -лик қўшимчасидан иборат атама бўлиб, кишига ғамхўрлик, яъни гуманизм демакдир. Одамзоднинг қадри, унинг эркинлиги, қобилиятларини ҳар томонлама намоён бўлиши учун курашиш, инсоннинг бахти-саодати, тенг ҳуқуқлиги, адолатли ҳаётини таъмин этишга интилиш, инсонийликнинг барча тамойилларини юзага чиқишига шарт-шароитлар яратиш инсонпарварлик тушунчасини маъносини англатади. Инсонпарварлик ғоялари узоқ тарихга эга. Халқ оғзаки ижодиётида, адабиётида, диний-фалсафий таълимотларда, узоқ ўтмишдан бери ўз аксини топиб келмоқда. Инсонпарварлик бу кишиларга нисбатан:

- Мурувватли, ҳимматли бўлиш.
- Яхшилик қилиш.
- Киши гуноҳини кечирish.
- Инсонни инсонлари тушунишга ҳаракат қилиш.
- Шахсни ва мусатқиллигини ҳурмат қилиш демакдир.

Инсонпарварлик одамзот пайдо бўлгандан буён мавжуд, фақат инсонгагина хос бўлган фазилатдир. Яхшилик қилиш фақат инсонпарвар кишиларнинг қўлидан келади. Ёмонликни яхшиликка айлантириш ҳам фақат инсонпарвар кишилар қўлидан келади. Зеро, инсон эзгулик учун яратилган зотдир. Хазрат Навоий инсон тақдири, халқ манфаатлари, мамлакат ҳақида ғамхўрликни асосий масала қилиб қўйган. У дунёда энг қимматли нарса инсондир-деган фикрни олға сурган. Унинг фикрича бутун мавжудот, борлиқ, инсонга унинг бахт-саодатига хизмат қилиши лозим.

Одамий эрсанг демагил одами,
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.

Гарчи инсонпарварлик ғояларини вужудга келиши илк бор шарқ мамлакатларига тўғри келсада, инсонпарварлик яхлит дунёқараш тизим сифатида биринчи бор Оврўпада, уйғониш даврида яъни XV-XVII асрларда шаклланган. Инсонпарварлик кенг ижтимоий фикрни қамраб, адабиёт, фалсафа, санъат ва бошқа соҳаларда намоён бўлади. XV-XVI асрларда гуманизм ғояси Италияда пайдо бўлиб, кейинчалик эса Оврूपанинг бошқа мамлакатларига тарқала бошлаган.

Жаҳон илмий, сиёсий ва ижтимоий фалсафасида инсонпарварлик-гуманизм номи билан ривожланди. Гуманизм латинча «хуманус» сўзидан олинган бўлиб, «инсоний» демакдир. У инсон қадрини шахс сифатида эътироф этиш, унинг ҳуқуқ ва эркинлигини, бахти ва тенглигини, адолат нормаларини ва кишилар ўртасидаги муносабатни ҳурмат қилиш ва унинг ижодий кучини ривожлантириш ва инсон имкониятларини тўла рўёбга чиқариш учун курашишдир. Илк гуманизм элементлари қадимги халқ оғзаки ижодида вужудга келган. Кейинчалик турли халқлар ахлоқий ва диний қарашларида шакланган. Гуманистик қарашлар оташпарастлик ва конфуцийчилик таълимотларида илк бор кенг қирраларда очиб берилган. Унинг Уйғониш давридаги буюк вакиллари: Петрарки, Данте, Бокаччо, Леонардо да Винчи, Рафаел, Навоийлардир.

Инсонпарварлик жиҳатлари:

- Адолат, шафқат, меҳрибонлик, ҳиммат, саҳоватни кишиларга баҳшида этиш демакдир.
- Кишиларда турли халқлар ва миллатлар халқига меҳр-муҳаббат ҳиссини уйғотишдир.
- Кишиларда бор кучини, бошқалар учун сарф қилиш ҳиссидир.
- Адолатсизлик, тенгсизлик, виждонсизликка мурасасиз бўлишдир.
- Кишини фозиллик белгиларидан биридир.
- Одам-одамга малъҳам ақидасини англаб етишдир.
- Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин мақолини тўла-тўқис тушуниб етишдир.
- Башариатга, башарга ҳос бўлган фазилатлар билан муносабатда бўлишдир.

Мустақил Ўзбекистон ўз ички ва ташқи сиёсатида инсонпарварлик ва гуманизм шартлари, талаблари ва қоидаларига Шарқ ва Ғарб

давлатларининг энг илғор тажрибасига таяниб, халқ ҳаётини ва жамият фаолиятини ташкил қилмоқда.

Назорат саволлари:

1. Инсонпарварлик деганда нимани тушунаси?
2. Гуманизм нима?
3. Шарқона инсонпарварликни ифодаланг.
4. Республикамизда ушбу борада олиб борилаётган амалий ишлар ҳақида ҳикоя қилинг.

Мавзу бўйича мустақил иш топшириқлар:

1. Ватанпарварликка оид 10 та мақол ёдлаш.
2. Инсонпарварликка оид 10 та ҳадис тўплаш.

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

1. Ватан ва ватанпарварлик тушунчаси уни тарихи, талқини ва моҳияти ёритиб берилди.
2. Инсон ва инсонпарварлик тушунчаларининг моҳияти назарий жиҳатдан талқин қилинди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.: 1992. 65-78 б
2. Каримов И.А. Туркистон умумий уйимиз Т.: 1995. 3-30 бб.
3. Юсупов Э. Ёшлар ўртасида ватанпарварлик тарбиясини амалга ошириш йўллари. Т.: 1996. 2-28 бб.
4. Улфат Маҳкамов. Ахлоқ- одоб сабоқлари. Т.: 1994. 55-57 бб.
5. Ватан туйғуси. Т.: 1996. 145 б.
6. Мустақиллик: изохли илмий оммабоп луғат. Т.: 1998. 69-71 бб.
7. Отамуротов С., Хасанов С. Маънавият асослари Т.: -1999. 193-196 бб.
8. Юсупов Э. Фалсафа. Т.: 1999 . 272- 283 бб.

11-МАВЗУ: Маънавият ва қадриятлар.

Асосий саволлар:

1. Қадриятлар тушунчаси ва унинг турлари.
2. Қадриятлар инсоннинг маънавий камолот омили.

Таянч тушунча ва иборалар:

Қадрият, қадриятшунослик, қадриятларнинг турлари, миллий қадриятлар, демократик қадриятлар, шарқоналик.

1-асосий савол: Қадриятлар тушунчаси ва унинг турлари

Дарснинг мақсади:

Талабларга қадриятлар тушунчаси, унинг моҳияти ва асосий турлари ҳақида маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Қадрият тушунчасини билади.
2. Асосий қадрият турларини санайди.
3. Олий қадриятни изоҳлайди.
4. Қадрият турларини бир-бири билан таққослайди.

1-асосий саволнинг баёни:

Инсон дунёга келибдики, ўзининг қатор талабларини, эҳтиёжларини қондириб боради. Эҳтиёж одамнинг биологик, психологик, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий талабларидир. Манфаат эса одам-инсон эҳтиёжларини қондира олувчи предмет ва воқеа ҳодисаларга йўналтирилган ҳис-туйғуси, фикридир. Инсон ўз талабларини қондириш учун биринчидан, у моддий бойликлар ишлаб чиқаради, иккинчидан, одамнинг физиологик эҳтиёжи қонганлиги унда маънавий эҳтиёжларининг туғилишига туртки бўлади. Учинчидан, одамнинг зурриёд қолдиришга бўлган табиий эҳтиёжи. Тўртинчидан, кишиларнинг ўзаро ишлаб чиқариш муносабатларига киришишидир. Қадрият предмет, воқеа ва ҳодисаларнинг кишилар учун зурур, фойдали, ёқимли бўлган хусусиятларидан, унинг моҳиятини ифодовчи сифат хусусиятларидан иборат. Қадриятлар ижтимоий ҳаётда инсоннинг табиий физиологик ва маънавий талаб эҳтиёжларини ўз хусусиятлари билан қондириш воситаси бўлган, зарур, фойдали ва ёқимли предметлар, воқеа ва ҳодисалардир.

Қадрият инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган, миллат ва элат, ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиладиган табиат ва жамият ҳодисалари мажмуидан иборат. Қадриятлар муаммоси XIX аср охирида Ғарб фалсафасида алоҳида йўналиш сифатида пайдо бўлди. Бу соҳани ўрганадиган фан тармоғи аксиология вужудга келди. Бу ерда «ахио-қадрият», «логос-таълимот» демакдир. Унинг асосчилари Гартман, Эрбано, Пролла ва Лиси каби Ғарб файласуфларидир. Бу муаммо бир асрдирки тадқиқотчилар томонидан ўрганилмоқда. Жондор Туленовнинг «Қадриятлар фалсафаси» китоби ҳам ушбу соҳадаги йирик тадқиқотлардан бири ҳисобланади. Ҳаётимизда қадриятлар хилма-хилдир. Қадриятлар ўзининг мазмуни, аҳамияти, хусусияти жиҳатдан:

I. 1. Моддий.

2. Маънавий.

3. Ижтимоий-сиёсий қадриятларга бўлинади.

II. Қадриятлар моҳиятига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1. Олий қадрият – инсон ва унинг ҳаёти.

2. Табиий қадриятлар – ер, сув, ер ости, ҳаво, ўрмон, ўсимликлар, ҳайвонот дунёси ва бошқалар.

3. «Иккинчи табиат» ёки моддий қадриятлар-бойликлар, завод, фабрикалар, транспорт, асбоб-ускуналар, уй-жойлар, ноз-неъматлар, яъни инсон меҳнати билан яратилган нарсалар.

4. Маданий-маънавий қадриятлар-маориф, таълим-тарбия, тиббий хизмат, мерос, тил, адабиёт, санъат, ҳунармандчилик маҳсулотлари, меморий ёдгорликлар ва бошқалар.

5. Ижтимоий-сиёсий қадриятлар. Эркинлик, барқарорлик, биродарлик, тинчлик..

III. 1993 йилги Ўзбекистон Республикасини Мулк тўғрисидаги қонунига асосан 5 хил мулк қадриятлар мавжуд:

1. Ҳусусий мулклар.

2. Ширкат мулклари..
3. Давлат мулклар.
4. Аралаш мулклар
5. Бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслар мулки.

Юқоридаги мулк эгаларининг тасарруфидаги моддий ва маънавий бойликлар турли мулк эгаларининг қадриятларини ташкил этади.

IV. Қадриятларнинг амал қилиш доирасига (кўламига) кўра турлари:

1. Миллий қадриятлар.
2. Минтақавий қадриятлар.
3. Умуминсоний қадриятлар турларига бўлинади.

Миллий қадриятлар–миллатнинг тили, маданияти, тарихи, урф-одатлари, анъаналари, жамики моддий ва маънавий бойликларини, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча томонларини ўзида ифода этади.

Минтақавий қадриятлар – иқтисодиёти, маданияти, тарихи, тили, дини, урф-одати, анъаналари муштарак бўлган халқлар манфаатига хизмат қиладиган ижтимоий-табiiй ҳодисалар мажмуидан иборатдир.

Умуминсоний қадриятлар-барча миллатлар, элатлар ва халқларнинг мақсад ва интилишларини ўзида ифода этади.

Умуминсоний қадриятларга:

- Илм-фан тараққиёти.
- Тинчлик.
- Куролланиш пойгасини тўхтатиш.
- Касалликларни олдини олиш.
- Табиат муҳофазаси.
- Саводсизликка барҳам бериш.
- Энергетика.
- Озиқ-овқат билан таъминлаш.
- Коинот ва океан ресурсларини ўзлаштириш ва бошқалар киради.

5. Қадриятлар инсон ҳаётига кўрсатадиган таъсири нуқтаи-назардан:

1. Прогрессив.
2. Реакцион турларга бўлинади.

Илғор қадриятлар жамиятимизнинг ҳар томонлама ривожланишига, республикаимизни жаҳон цивилизациясига қўшилишига астойдил хизмат қилади. Аксинча, республикаимиз олдида турган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий муаммоларни ҳал этишга тўсқинлик қиладиган ҳодисалар реакцион қадриятларга киради. Қадриятлар жамиятимизнинг бойлиги, бизнинг миллий ифтиҳоримиздир. Уларни авайлаб-асраш, яъни қадриятларни қадрлаш ва муҳофаза қилиш барчамизнинг инсонийлик бурчимиздир.

Назорат саволлари:

1. Қадриятлар тушунчаси этимологик маъносини биласизми?
2. Қадриятшунослик моҳиятини тушунтира оласизми?
3. Қадриятларни қандай турларини биласиз?

4. Олий кадрият нима?
5. Кадриятлар турларини таққослаб беринг.
6. Мулкый кадриятларни шарҳлаб беринг.

2-асосий савол: Кадриятлар инсоннинг маънавий камолоти негизи.

Дарснинг мақсади:

Талабаларга кадриятларни инсон камолотидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Кадриятларни ташкил этувчи жиҳатларни билади.
2. Инсонни баркамоллашувида кадриятларни ўрнини тушуниб етади.
3. Кадриятлар ва инсон камолоти мавзуларини қиёслайди.
4. Ахлоқни кадриятлар тизимидаги ўрнини асослай олади.
5. Мустақиллик ва миллий кадриятлар мавзусини бир бирига боғлаб тушунтира олади.

2-асосий саволнинг баёни:

Миллий кадриятлар миллат аъзолари томонидан минг йиллар давомида яратилади. Миллий кадриятларга ҳурмат билан қараш миллатни ўзига ҳурмат билан қарашнинг асосий бўғинидир. Минг йиллар мобайнида шаклланган миллий кадриятларимиз ҳозирги даврда яратилган маданий-маънавий бойликлар билан бирга кўшилиб, жамиятимиз тараққиётини тезлатади.

Ўзбекистонимиз ўз мустақиллигига эришгандан сўнг миллий кадриятларга эътибор кучайди. Чунки миллий кадриятлар мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлайдиган маънавий асослардан биридир. Халқимизнинг миллий кадриятлари 3 минг йилдан ортиқ даврни ўзида мужассам этган. Бизнинг миллий кадриятларимиз: туғилган макон ва она юртга эҳтиром, авлодлар хотирасига садоқат, катталарга ҳурмат, муомилада тавозе, ҳаё, андиша кабиларнинг устуворлиги билан ҳам ҳарактерланади. Миллий кадриятларимиз жаҳоннинг бошқа халқларига ўхшамайдиган урф-одатлар, расм-русмлар, маросимлар ва анъаналардаги ўзига ҳослиги билан фарқланади. Ҳар бир миллатнинг ўз миллий кадриятларига муносабати қанчалик фаол бўлса, бу миллатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни, обрўси, унга ажратиладиган эътибор, ҳурмат шу даражада баланд бўлади. Бу миллатнинг нуфузи шу даражада юксак бўлади.

Миллий кадриятларимизнинг долзарб муаммолари:

Байрамлар.

Урф-одатлар.

Кадриятларни миллийлигини сақлаш.

Кадриятларни асраш.

Тўй-томоша кадриятларимиз.

Рўзғор тутиш кадриятларимиз.

Ота-онага ҳурмат.

Ерни, сувни, нонни эъзозлаш.

Табиатни асраш.

Ҳайвонларга ғамхўрлик.

Исломий қадриятларга ижобий муносабат ва бошқалардан иборат.

Ҳукукий демократик жамият куриш жараёни билан боғлиқ бўлган қадриятлар-демократик қадриятлардир. Унинг жиҳатлари :

Инсон ҳуқуқларига риоя қилиш.

Сўз эркинлиги.

Матбуот эркинликгидан иборат.

Миллий ва демократик қадриятлар миллатни миллат сифатида намоён бўлишининг муҳим омиллардан биридир.

Давлатимиз маданий-маънавий мустақиллигини таъминлашда ёшларни, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш алоҳида аҳамият касб этади.

Қадриятлар ва қадрият мезонлари кишиларга, уларни хулқ-атворини тартибга солиш ва тўғри йўналтиришга хизмат қилади. Келажаги буюк Ўзбекистонимизни соғлом ва баркамол авлодларини тарбиялаб вояга этказишда қадриятлар алоҳида ўрин тутди.

Назорат саволлари:

1. Миллий қадрият нима?
2. Демократик қадрият ҳақида нима биласиз?
3. Миллий қадриятларни ўзига хослигини айтинг.
4. Миллий ва демократик қадриятлар узвийлигини асослаб беринг.
5. Ахлоқ ва инсон камолоти мавзуларини қиёсланг.

Мавзу бўйича мустақил иш топшириқлар:

1. Қадриятлар турларини билиб келиш.
2. Буюк мутафаккирларни рўйхатини тузиш.

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

1. Қадриятлар тушунчаси, унинг мазмун моҳияти талқини ва турлари очиб берилди.
2. Миллий қадриятларимизнинг маънавият тизимидаги бойлиги ва унинг ўрни таҳлил этилди.

Адабиётлар:

- 1) Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: 1997. 3-17 бб.
- 2) Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. Т.: 1998. 3-320 бб.
- 3) Темиров. Ф.Назарова. С. Жамият ва қадриятлар Т.: 1992 3-23 бб.
- 4) Шарқона босиқлик сири. Т.: 1994. 135 б.
- 5) Мустақиллик изоҳли илмий оммабоп луғат. Т.: 1998. 110 б.
- 6) Отамуротов С., Ҳусанов. С. Маънавият асослари. Т.: 1999. 228 б.

12-МАВЗУ: Маънавий камолот омиллари.

Асосий саволлар:

Маънавий камолот тизимида таълим-тарбиянинг ўрни.

Маънавий камолотнинг асосий омиллари.

Таянч тушунча ва иборалар:

Маънавий камолот, камолот муаммоси, таълим-тарбия, маънавий камолот омиллари, баркамол авлод камолоти.

1-асосий савол: Маънавий камолот тизимида таълим-тарбиянинг ўрни.

Дарснинг мақсади:

Талабаларга маънавий камолот тизими ва унда таълим тарбиянинг ўрни ҳақида маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Инсон тарбияси нималигини билади.
2. Эзгуликка йўналтирувчи йўл маънавият эканлигини тушунади.
3. Табиянинг таъсирчан қуроли маънавиятлигини тушуниб этади.
4. Ўзбекона маънавий тарбияни моҳиятини таҳлил қила олади.

1-асосий саволнинг баёни:

Бола тарбияси ва камолотида ҳам ўзбек халқининг ўзига хос, узок тарих тажрибаси синовидан ўтган ажойиб анъаналари бор. Болаларнинг ахлоқ ва одоби Ўзбекона тарбиянинг маҳсулидир. Халқимизнинг тарбия борасидаги етук миллий маънавияти ҳамма вақт умуминсоний қадриятларнинг таркибий қисми бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади. Инсоннинг маънавий бойликлари, ахлоқ-одоб меъёрларининг шаклланиши ва ривожланиши, таълим-тарбиянинг янги усуллари, турли-туман жиҳатларини юзага келиши, жамият тараққиётининг бир-бири билан узвий боғланган халқаларидир. Бу занжирларнинг бирор халқасини узилиши таълим-тарбия ишининг муайян имкониятларини йўқотишга олиб келади.

Инсон ўз табиатига нолойик ҳолда эмас, балки унга муносиб бўлиб яшаши лозим. Шундай экан, инсон табиати тушунчаси ҳам, маънавият тушунчаси ҳам инсоннинг яшашдан асл мақсади нима?-деган масала ечими билан бевосита боғлиқдир. Халқимиз шуурида инсоннинг яшашидан асл мақсади эзгу ишлар қилиб, муносиб фарзандлар тарбиялаб, яхши ном қолдиришдир деган жавоб мавжуд. Бу ғоя асосида маънавият инсоннинг эзгуликка йўналтирилган мақсадларига эришиш борасида қизмат қиладиган орзу-ҳаваслари, ақл-заковати, билимлари амалий фаолияти замирида ётган иродаси дейиш мумкин.

Маънавият инсоннинг асл табиатини унинг ижтимоийлигини ва шахс сифатидаги индивидуаллигини мустаҳкамлашга, ақлий ва руҳий дунёсини тарбиялашга, камол топтиришга, ижодий ва бунёдкорлик имкониятларини юксалтиришга, жамиятнинг маданий меросини бойитишга ҳизмат қилади. Унинг ўзи ҳам айнан ўша нарсалардан шаклланади. Шундай экан барча жамиятларда ҳам инсон ва унинг ҳар томонлама маънавий камолоти масаласи ўша жамиятнинг энг муҳим масаласи бўлиб келган.

Юртбошимиз И.А. Каримов ўз асарларидан бирида ёзади: Маънавият тарбиянинг энг таъсирчан қуроли экан, ундан оқилона фойдаланиш, болаларимизни ватанпарварлик, ростгўйлик, ҳақсеварликка ўргатиш керак

бўлади. Аслини олганда, ахлоқ-маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоқи шунчаки салом-алик, хуш муомаладангина иборат эмас, ахлоқ бу аввало инсоф ва адолат туйғуси, имон, ҳалоллик дегани. Қадимги аجدодларимиз комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, замонавий тилда айтсак, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанлар. Киши қалби ҳаромдан ҳазар, нопокликка, адолатсизликка нисбатан мурасасиз бўлиши керак.

Шундай одамгина лафзни покликни, ҳалолликни сақлайди. Бировнинг ҳақиға ҳиёнат қилмайди, садоқатли бўлади, ватани, халқи учун жонини фидо этишга ҳам ўзини аямайди. Бунинг акси ўлароқ, ёлғончи, ваъдабоз кишида ватанпарварлик туйғуси бўлмайди.

Мустақил Ўзбекистонда таълим-тарбия ишларини тўғри йўлга қўйиш миллий ва умуминсоний қадриятларнинг барча имкониятларидан тўла ва самарали фойдаланишни тақозо қилади. Таълим-тарбия жараёнида бошқа халқлар меросининг ижобий томонларидан қанчалик фойдаланмайлик барибир ўзбек миллий қадриятлари маънавий камолотимизнинг асоси бўлиб қолади. Бу борада халқ педагогикасининг анъаналари муҳим аҳамият касб этади. Бу анъаналар узоқ давр давомида ривожланиб, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, маҳалла-қўйлар ҳам тарбиялайди, - деган анъанага айланган. Ёшларни маънавий қиёфасини шаклланишига ҳамма даврда ҳам атроф-муҳит катта таъсир кўрсатиб келган. Таълим-тарбия ишларида Муҳаммад Пайғамбарнинг ҳадисларидан ҳам кенг фойдаланиш лозим. Ҳадисларда маънавий камолотнинг барча диний муаммолари билан бир қаторда, умумбашарий масалаларга ҳам катта ўрин берилган.

Афсуски, шу вақтга қадар таълим-тарбия ишларида халқнинг бой педагогик меросидан, ҳадислар ва шайърий ҳукмларда олдинга сурилган ғоялардан тўла фойдалана олганмиз йўқ. Аслида булар инсон маънавий камолотининг ҳамма даврлар учун ҳам аҳамиятли бўлиб қоладиган заминларидир.

Назорат саволлари:

1. Инсон табиати ҳақида нима биласиз.
2. Эзгулик йўли ҳақида гапиринг.
3. Табиянинг таъсирчан қуролини ифодалаб беринг.
4. Шарқона ахлоқ кодекси жумласини шарҳлаб беринг.
5. Ўзбекона тарбия усуллари таҳлил қилинг.

2-асосий савол: Маънавий камолотнинг асосий омиллари.

Дарсининг мақсади:

Талабаларга ахлоқий фазилатлар турлари ва маънавий камолот омиллари ҳақида маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Ахлоқий фазилатлар тизимини билади.
2. Ақлий, ахлоқий, маданий, жисмоний фазилат турларини санайди.
3. Маънавий камолот омиллари ҳақида тасаввурга эга бўлади.

4. Маънавий камолот омилларини бир-бири билан таққослайди.
5. Ахлоқий фазилатлар билан маънавий камолот омилларини бир-бири билан қиёслайди.

2-асосий саволнинг баёни:

Тарбия тизимида қуйидаги ахлоқий фазилатлар тизими мавжудки, маънавий камолот соҳасида ҳам асосий мақсад ўша фазилатларни шакллантиришдан иборатдир. Уни қуйидгаича таснифлаш мумкин.

Ахлоқий фазилатлар:

- Ақлий
- Ахлоқий.
- Маданий.
- Жисмоний фазилатларга бўлинади.

Ит каби чун пастлигим чоғландим,

Ўзни бийиклар ипига боғладим.

- дейди Алишер Навоий "Ҳайрат ул-аброр" достонида.

1. Ақлий фазилатларга: - билимдонлик, - зехнлилик, - ақлилик, - фаросатлилик, - донолик мансубдир.

2. Ахлоқий фазилатларга: - одоблилик, - ширинсўзлик, - меҳнацеварлик, - озодалик, - жасурлик киради.

3. Маданий фазилатларга: - китобсеварлик, - санъатсеварлик, - миллатпарварлик, - маданиятлилик оиддир.

4. Жисмоний фазилатлари: - чаққонли, - ҳаракатчанглик, - ихчамлилик, - чидамлилик, эпчиллик кабиларидир.

Таълим-тарбиянинг бош вазифаси кишиларда юқоридаги фазилатларни шакллантиришдан иборатдир.

Маънавий камолот омиллари:

меҳнат,
мулкчилик муносабатлари,
табиат,
маиший турмуш,
санъат,
адабиёт,
ижтимоий-сиёсий ташкилотлар,
маориф,
билимлар тизими-фанлар,
оила ва ота-она,
тарбия тизими,
ислом таълимоти,
тасаввуф таълимоти,
миллий ва моддий, маънавий мерос,
урф - одатлар, анъаналар,
қадриятлар тизими,
оммавий ахборот воситалари,
озик-овқат маҳсулотлари,
жамоа-ўқув ва иш жамоалари ўз-ўзини идора қила олиш, яъни ўз фаолиятини

тартибга тушира олиш ва бошқалар маънавий камолот омилларини ташкил этади. Шахс маънавиятини ривожлантиришнинг омиллари ва воситалари жуда кўп.

Назорат саволлари:

1. Ахлоқий фазилатлар тизими нима?
2. Фазилатларни 4 тури ҳақида гапиринг
3. Маънавий камолот омиллари нима?
4. Ахлоқий фазилатлар ва маънавий камолот омиллари ўртасидаги алоқани изоҳланг.

Мавзу бўйича мустақил иш топшириқлар:

1. Ижобий фазилатлардан энг асосий 10 тасини аниқлаш.
2. Салбий фазилатлардан энг асосий 10 тасини аниқлаш.

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

1. Маънавий камолот тушунчаси, унинг қамрови, тарбиявий жараёнидаги ўрни очиқ берилди.
2. Маънавий камолот омиллари ва воситалари таҳлил ва тадқиқ этилди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий–иҷтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т.: 1995. 53 б.
2. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Т.: 1994. 5-22 бб.
3. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.: 1997. 3-14 бб.
4. Юсупов Э. Маънавий камолот омиллари. Т.: 1995. 3-10 бб.
5. Мустақиллик: маънавият ва миллий қадриятлар муаммоси. Гулистон: 1997. 110 б.

«МАНАВИЯТ АСОСЛАРИ» КУРСИДАН СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАР РЕЖАСИ

Ҳурматли талаба, Сиз ушбу курс юзасидан 9 та мавзуда 10 та семинар машғулотига тайёргарлик кўришингиз лозим. Ҳар бир мавзуда 4 тадан саволлар қўйилган. 8 мавзудаги саволлар 2 та машғулот учун мўлжалланган. Сиз семинар машғулотида тайёрланаётганингизда қуйидаги жадвалдаги семинар машғулотлар учун берилган адабиётлардан фойдаланасиз. Адабиётлар: (А) асосий ва (Б) қўшимча адабиётларга ажратилган. Жадвалнинг 1-устунида мавзунинг номи, 2-устунида кўриладиган масалалар, 3-устунда асосий адабиёт тартиби ва унинг саҳифаси.

№	Мавзу	Кўриладиган масалалар	Асосий адабиётлар
1.	«Маънавият асослари» курсининг баҳс мавзуси	1.Маънавият тушунчаси. 2.Маънавиятга таъриф ва талқинлар. 3.»Маънавият асослари» курсининг баҳс мавзуси ва вазифалари 4.Президентимизнинг маънавиятга берган таърифи.	1: 3-5; 2: 17-23; 3: 8-35; 4: 3-82 5: 3-11; 6: 3-15; 7: 24-41; 8: 1-7; 9: 3-25; 10: 5-17.
2.	Маънавият ва иқтисод.	1. Иқтисодиёт тушунчаси. 2. Бозор муносабатлари ва унинг	1:13-16; 2:3-8; 3:59-65; 4:195-228;

		типлари. 3. Ўзбекистонда иқтисодий ислохатларни ўзига хослиги. 4. Тадбиркор инсон қиёфасига чизгилар.	6:131-145; 7:54-65; 8:13-17; 9: 83-93; 10:47-50.
3.	Маънавият, сиёсат. ҳуқуқ ва мафкура.	1. Сиёсат ва сиёсий қараш нима? 2. Ҳуқуқ ва ҳуқуқий маданият тушунчаси нима? 3. Мафкура тушунчаси ва унинг моҳияти. 4. Миллий истиқлол мафкураси.	1:81-84; 2:17-23; 3:8-52; 4:33-82; 5:11-19; 6:112-126; 7:41-54; 8:17-22; 9:25-39; 10:44-62.
4.	Марказий Осиё халқларининг қадимги маънавияти.	1. Оташпарастлик маънавияти. 2. Оташпарастликдаги эзгу ғоялар. 3. Монийлик маънавияти. 4. Маздакийлик маънавияти.	1:22-25; 2:17-23; 3:58-88; 4:97-135; 5:11- 22; 6:15-46; 7:88-98; 8:22-28; 9:3-25; 10:33-39.
5.	Ислом маънавияти.	1. Ислом ва маънавият. 2. Исломда комил инсон ҳақида. 3. Ҳадислар комиллик асоси. 4. Ислом эзгулик ва илм ҳақида.	1:114-115; 2:17-13; 3:25-35; 4:135-150; 5:22-109; 6:95-100; 7:98- 114; 8:128-35; 9:3-25; 10:62-71
6	Амир Темур маънавияти	1.Амир Темур ҳаёти ва мероси. 2.Амир Темур маърифатли шахс. 3. Амир Темурнинг шарафли номлари. 4. Амир Темур сабоқлари.	1:91-95; 3:64-65; 4:150-165; 5:155-117; 7:127-138; 8:44-52; 9:27-28.
7.	Комил инсон маънавияти ва унинг мезонлари	1.«Баркамол» ва «комил» инсон тушунчалари. 2.Комил инсон мезонлари. 3.Комил инсон фазилатлари. 4.Комил инсонни камолот омиллари.	1:84-87; 2:17-23; 3:126-134; 4:195-229; 5:22-109; 6:71-77; 7:161-173; 8:52-56; 9:39-49; 10:62-71.
8.	Ватанпарварли к ва инсонпарварли к маънавий комил инсон қиёфасининг асосий мезони	1. Ватан ва юрт тушунчалари. 2. Ватан, ватан туйғуси тушунчалари. 3. Ватанпарварлик қирралари. 4. Мутафаккирлар ватанпарварлар ҳақида. 5. Инсон ва одам тушунчалари. 6. Инсонпарварлик ва гуманизм. 7. Инсонпарварлик қирралари. 8. Мутафаккирлар инсонпарварлик ҳақида.	1:84-87; 2:14-17; 3:134-140; 4:195-228; 6:64-71; 7:173-182; 8:56-63; 9:49- 68; 10:71-76.
9.	Маънавий комолот омиллари	1. Маънавий комолот тизимида таълим-тарбиянинг ўрни. 2. «Таълим тўғрисида»ги қонун ва унда баркамол авлод ҳақида. 3. Комил инсон фазилатлари. 4. Маънавий комолот омиллари.	1:68-74; 2:17-23; 3:210-215; 4:195-228; 6:77-82; 7:207-117; 8:69-73; 10:62-70.

А) Асосий адабиётлар:

1. Каримов И. Истиқлол ва маънавият. Т.: 1994. 160 б.
2. Каримов И. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. Т.: 1999. 32 б.
3. Эркаев А. Маънавият-миллат нишони. Т.: 1999. 192 б.
4. Эркаев А. Миллий ғоя ва маънавият. Т.: 2002. 204 б.
5. Имомназаров М. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. Т.: 1998. 144 б.
6. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. Т.: 1999. 240 б.
7. Отамуродов С., Раматов Ж., Хусанов С. Маънавият асослари. Маърузалар матни. Т.: 2000. 228 б.
8. Маънавият асосларидан маъруза матни. Гулистон-2000. 80 б.
9. Бегматов А. «Маънавият фалсафаси ёхут Ислом Каримов асарларида янги фалсафий тизиминг яратилиши». Т.: 2000. 168 б.
10. Умаров Э. Абдуллаев М. Маънавият асослари. Т.: 2005. 128 б.

Б) Қўшимча адабиётлар:

1. Каримов И. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.: 1995. 278 б.
2. Каримов И. Ўзбекистон ХХІ асрга интилмоқда. Т.: 1999. 48 б.
3. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: 1998. 32 б.
4. Каримов И. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Т.: 1999. 32 б.
5. Каримов И. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: 1997. 326 б.
6. Зиёмуҳаммедов Ё ва б. Маънавият асослари. Т.: 2000. 192.
7. Мустақиллик: маънавият ва миллий қадриятлар муаммоси. Т.: 1997. 110 б.
8. Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат. Т.: 1998. 320 б.
9. Ўзбекистон миллий истиқлол мафкураси. Т.: 1993. 110 б.
10. Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. Т.: 1991. 172 б.
11. Йўлдошев А. Мустақил Ўзбекистон: демократия, маънавият ва мафкура масалалари. Фарғона: 1997. 124 б.
12. Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. Т.: 1998. 236 б.
13. Ҳамроқул Ризо, Исмоилов С. Маънавиятнинг тиниқ чашмалари. Гулистон: 1997. 50 б.
14. Темур тузуклари. Т.: 1991. 144 б.
15. Туленов Ж., Ғофуров З. Мустақиллик ва миллий тикланиш. Т.: 1996. 125 б.
16. Искандаров Б. Тасаввуф фалсафаси. Т.: 1991. 34 б.
17. Комилов Н. Комил инсон миллат келажаги. Т.: 2001. 47 б.
18. М. Исоқов. Эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амал китоби. Т.: 2001. 24 б.
19. Авесто. Т.: 2001. 128 б.
20. Сафо Очил. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. Т.: 1995. 208 б.

ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШ ТОПШИРИҚЛАРИ

Мустақил иш топшириқлари Олий ва Ўрта махсус таълим Вазирлигининг 34-сонли (21.02.05) буйруғига ва ГулДУ да ишлаб чиқилган махсус Низомга асосан ишлаб чиқилган. У 20 соатга мўлжалланган. Мустақил ишнинг мақсади талабаларда муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат.

Талаба мустақил ишининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- янги билимларни мустақил ўзлаштириш;
- керакли маълумотларни излаб топиш;
- ахборот манбаларидан самарали фойдаланиш;
- ўқув ва илмий адабиётлар билан ишлаш;
- электрон ўқув адабиётлари билан ишлаш;
- ИНТЕРНЕТ тармоғидан фойдаланиш;
- маълумотлар базасини таҳлил этиш;
- иш натижаларини экспертизага тайёрлаш;
- топшириқларни бажаришда тизимли ва ижодий ёндашиш;
- ишлаб чиқилган ғоя ва таклифларни ҳимоя қилишдан иборат.

Шу мақсаддан келиб чиқиб, «Маънавият асослари» фанидан 5 банддан иборат 4та мавзу бўйича мустақил иш топшириқлари тузилди ва талабалар эътиборига тавсия этилмоқда.

Топшириқлар: маъруза матнини ўзлаштириш, мустақил уй вазифаси, конспект қиладиган адабиётлар рўйхати, тестларни еча билиш, тезислар тайёрлаш, мавзу бўйича адабиётлар ва манбалардан иборат.

Талаба мустақил ишига рейтинг бали бериш тартиби

Рейтинг баллари ҳар бир мавзу мустақил топшириқлари учун 0-5 балгача бериш белгиланган. Талабанинг мустақил иш топшириқларини бажариш фаолияти 5 баллик тизим асосида баҳоланади. Талаба 4 та мустақил ишдан 20 балл тўплайди.

Талаба мустақил иш топшириш вақтини ўқитувчи дарс жараёнида белгилайди.

№	Мавзу номи	Бериладиган балл	Сана
1.	Маънавият ва иқтисодиёт.	0-5	
2.	Ислом маънавияти.	0-5	
3.	Амир Темур маънавияти.	0-5	
4.	Ватанпарварлик ва инсонпарварлик маънавий инсон қиёфасини асосий мезони.	0-5	
	Жами:	20	

1–топшириқ: Маънавият ва иқтисодиёт мавзусини ўрганиш.

1.1. Мавзу матнини ўзлаштириш

- Иқтисодиёт ва маънавият уйғунлигини тушунтириш.
- Бозор иқтисоди шароитида маънавият масаласини таҳлил қилиш.
- Иқтисодиётнинг бирлачилигини вўрсатиб бериш.

1.2. Мустақил уй вазифаёи

- Жизнин С. Крупнов В. Қандай қилиб бизнесмен бўлиш мумкин? Т.: 1992. 5-10 бб, "Ишбилармонлик нима ? " китобини юқиб келиш.

- Тадбиркорлик луғати тўзиш.

1.3. Конспект учун адабиётлар

- Каримов И. Ўзбекистон XX1 асрга интилмоқда. Т.: 1999. 32 б.
- Каримов. И. "Ўзбекистон бозор мунособатларига ўтишнинг ўзига хос йўли" Т.: 1993. 8-53- бб

1.4. ТХстларни еча билиш.

1. Иқтисодиёт бу -

А) Иқтисодиёт бу олиб сотишдир. Б) Иқтисодиёт бу бозордир.

В) Иқтисодиёт бу рўзгор юритишдир.

Г) Иқтисодиёт кишилар эҳтиёжини оптимал даражада қондиришдир.

Д) Иқтисодиёт бу пулдир.

2. 5 тамойил И.А. Каримовнинг қайси асарида илгари сурилган ?

А) Истиклол ва маънавият. Б) Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида.

В) Ўзбекистон - бозор мунособатларига ўтишининг ўзига хос йўли.

Г) Адолатли жамият сари. Д) Ўзбекистон келажаги буюк давлат.

1.5. Тезислар тайёрлаш.

- 1- 2- 3-

Адабиётлар ва манбалар.

- Каримов И. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. Т.: 1993, 53-б.
- Эркаев А. Маънавият ва миллий ғоя. Т.: 2002, 84-129 бб.

2-топшириқ: Ислом маънавияти мавзусини ўрганиш.

2.1. Мавзу матнини ўзлаштириш

- Исломни моҳиятини ўрганиш.
- Исломни бошқа динлар билан таққослаш.
- Илм тўғрисидаги ҳадисларини изоҳлаш.

2.2. Мустақил уй вазифаси

- Қуръондаги "Бисмиллох" калимасини 19 мўъжисани топиб келиш..

- Холиқ Нурбоқийнинг "Қуръони каримнинг илмий мўъжизалари" китобидан "Асиллик мўъжизаси", "Ҳар хил илмий мўъжизалари" бўлимларини ўқиб келиш.

2.3. Конспект учун адабиётлар

- Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. Т.: 1992, 12-168 бб.
- Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Т.: 1991, 92 б.

2.4. Тестларни еча билиш.

Тақводор инсон фазилатлари нечта ва қайси сурада айтилган.

А) 6 та, Нос сурасида. Б) 7 та, Юсуф сурасида.

В) 10 та, Бақара сурасида. Г) 12 та, Фалак сурасида.

Д) 14 та, Тавба сурасида.

Қуръонни "очувчи", "энг гўзал", "қалби" номини олган сураларини аниқланг.

- А) Нас, Фалак, Тавба. Б) Бақара, Моида, Мулк.
В) Фотиҳа, Юсуф, Ёсин. Г) Имрон, Юнус, Кавсар.
Д) Наср, Ихлос, Масад.

2.5. Тезислар тайёрлаш.

1- 2- 3-

Адабиётлар ва манбалар.

- Каримов. И.А. Оллоҳ қалбимизда ва юрагимизда. Т.: 1999, 3-30 бб.
- Мансур А. Шокир Б. Мусулмончиликдан илк сабоқлар. Т.: 1992, 3-32 бб.

3-топшириқ: Амир Темур маънавияти мавзусини ўрганиш.

3.1. Мавзу матнини ўзлаштириш

- Соҳибқирон маънавиятини тушуниш.
- Амир Темур ҳаётини тизимли ўрганиш.
- Темур тузукларини ўқиш.

3.2. Мустақил уй вазифаси

- Амир Темур васиятларини ёдланг.
- Амир Темур иборалари, шиорларидан 10 тасини ёдланг.

3.3. Конспект учун адабиётлар

- Ахмедов Б. Амир Темур сабоқлари. Т.: 2001. 64 б.
- Ғоипов Н. Амир Темур даври маънавияти. Т.: 2001. 48 б.

3.4. Тестларни еча билиш.

1. Амир Темурни "Миллатнинг дардларига _____ бўлмоқ вазифангиздир" деган васиятидаги тушиб қолдирилган сўзни топинг.

- А) қувват. Б) дори. В) шерик.
Г) дармон. Д) ошно.

2. Соҳибқиронни асосий шиори нима ?

- А) кам е, кам гапир, кам ухла. Б) ишон аммо шубҳа қил.
В) одам аҳли дунё талабдир. Г) куч-адолатдадир.
Д) кенгаш ва машварат .

3.5. Тезислар тайёрлаш.

1- 2- 3-

Адабиётлар ва манбалар.

- Амир Темур. Темур тузуклари. Т.: 1991. 144 б.
- Амир Темур Кўрагоний. Зафар йўли. Т.: 1992.

4-топшириқ: Ватанпарварлик ва инсонпарварлик маънавий инсон қиёфасини асосий мезони мавзусини ўрганиш.

4.1. Мавзу матнини ўзлаштириш

- Ватанпарварликни моҳиятини тушуниш.
- Инсонпарварлик тушунчасини очиш.
- Ватанпарварлик ва инсонпарварликни бир – бири билан таққослаш.

4.2. Мустақил уй вазифаси

- Ватан туйғуси китобидан "Ватан нима?", "Ватан туйғуси" тушунчаларини ўқиб келиш.
- Улфат Маҳкамовнинг Ахлоқ-одоб сабоқлари (Т.: 1994) китобидан «Ватан», "Ватанпарварлик" тушунчаларини ўқиб, конспект қилиш.

4.3. Конспект учун адабиётлар

- Юсупов Э. Ёшлар ўртасида ватанпарварлик тарбиясини амалга ошириш йўллари. Т.: 1996. 28 б.

- Содиқова Т. Меҳр қолур. Т.: 1997. 3-35 б.

4.4. Тестларни еча билиш.

Ватан саждагоҳимдир иборасини ким айтган?

А) Чўлпон. Б) Фитрат. В) Қодирий.

Г) Ғулом. Д) Беҳбудий.

Ватанни семоқ иймондандир дегани нима?

А) матал Б) мақол В) шеър Г) ибора Д) ҳадис

4.5. Тезислар тайёрлаш.

1-

2-

3-

Адабиётлар ва манбалар.

- Каримов И. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.: 1995. 278 б.

- Шарқона босиқлик сири. Т.: 1994. 135 б.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Маънавият: тушунча, талқин ва таъриф.
2. «Маънавият асослари» курсининг мақсади ва вазифалари.
3. И.Каримов асарларида маънавият масалаларининг ёритилиши.
4. И.Каримовнинг «Истиқлол ва маънавият» асари.
5. Маънавият туркумлари.
6. Маънавият асосларининг вазифалари.
7. Маънавият ва маънавий мерос.
8. Маънавият ва руҳият.
9. Маънавият ва маданият
10. Маънавият ва иқтисод.
11. Шахс маънавияти.
12. Миллий маънавият.
13. Ўзбек миллий маънавиятининг ўзига хослиги.
14. Умуминсоний маънавият.
15. Ички ва ташқи маънавият.
16. Маънавият ва мустақиллик.
17. Мустақиллик рамзлари маънавият таркиби.
18. Ватан, Ватан туйғуси тушунчалари.
19. Ватанпарварлик ва инсонпарварлик маънавияти.
20. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари.
21. Маънавият заминлари.
22. Маънавият ва қадриятлар.
23. Амир Темур маънавияти.
24. Яссавий маънавияти.
25. Нақшбандий маънавияти.
26. Маънавият ва маърифат.
27. 1996 йил – халқимиз маънавий ҳаётида бурилиш.
28. 1996 йил сентябрдаги Президентимиз Фармони.

29. Маънавият ва фалсафа.
30. Маънавият ва санъат.
31. Иқтисод, сиёсат ва маънавий ҳаётнинг узвийлиги.
32. Оила маънавияти.
33. Манавиятни шакллантириш воситалари.
34. Маънавият ва халқ байрамлари.
35. Мустақиллик шароитида маънавият.
36. Комил инсон тушунчаси.
37. Баркамол инсон тушунчаси.
38. Миллий ўзликни англаш, миллий ғурур.
39. Демократия - маънавият кўзгуси.
40. Маънавият ва ҳуқуқ.
41. Ўзга халқлар маънавиятини миллий маънавиятимизга таъсири.
42. Инсон омили ва маънавият.
43. Ахлоқ - маънавият негизи.
44. Қуръони Каримда маънавият муаммолари.
45. Ҳадислар - маънавиятни шакллантириш воситаси.
46. Маҳаллий ҳудуд шароитларида-маънавият муаммолари.
47. Илм-фан ва маънавият.
48. «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак» шиорининг маънавиятлилики мезони.
49. Маънавият асосларига оид асарларни биласизми?
50. Маънавият ва маърифат маркази тўғрисида гапиринг.
51. Маънавият нима?
52. Ўзбек миллий маънавияти ҳақида нима биласиз?
53. Моддий ва маънавий мерос нима?
54. Иқтисодиёт ва маънавиятнинг уйғунлиги.
55. Бозор иқтисоди шароитида маънавият.
56. Мафкура нима?
57. Қадимги маънавият шакллари.
58. Миллий маънавият такомил босқичлари.
59. Ислом маънавияти.
60. Қуръони Каримда маънавият.
61. Тасаввуф маънавияти.
62. И.Каримов асарларида маънавият масалаларининг ёритилиши.
63. И.Каримовнинг «Истиқлол ва маънавият» асари.
64. Маънавият туркумлари.
65. Шахс маънавияти.
66. Маънавият ва қадриятлар.
67. Амир Темур маънавияти.
68. Яссавий маънавияти.
69. Нақшбандий маънавияти.
70. Манавиятни шакллантириш воситалари.
71. Мустақиллик шароитида маънавият.
72. Комил ва баркамол инсон тушунчаси.

73. Миллий ўзликни англаш, миллий ғурур.
74. Демократия - маънавият кўзгуси.
75. Инсон омили ва маънавият.
76. Қуръони Каримда маънавият муаммолари.
77. Ҳадислар - маънавиятнинг шакллантириш воситаси.
78. Илм-фан ва маънавият.
79. «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак» шиорини шарҳланг.
80. Маънавиятшунос олимлардан кимларни биласиз?

ЎТИЛГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА ЯКУНИЙ ХУЛОСАЛАР:

Кўриб чиқилган мавзулар юзасидан қуйидаги хулосалар чиқариш мумкин:

- Маънавиятнинг бир неча этимологик маъноси талқинлари бўлиб, унинг ўрганиш объекти инсон руҳиятидир.
- Миллий меросимиз жуда улкан бўлиб, бу соҳада халқимиз дунёдаги етакчи ўринларда туради.
- Маънавият ва иқтисодиёт бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, улар бир биини тақозо этади ва бойитади.
- Сиёсат, ҳуқуқ ва мафкура ҳар қандай маънавий омилнинг энг муҳим таркибий асосини ташкил этади.
- Ислоҳ ва тасаввуф таълимоти инсон маънавий-руҳий камолотидаги энг эзгу ва инсон илғор таълимотлардандир.
- Миллат маънавиятини таркибий қисмини миллат маърифатчилари ташкил этади. Амир Темур туркий маънавиятининг яқка намояндаларидан биридир.
- Маънавият асослари курси ўз муаммоларни ижтимоий фан усул ва услубиятига асосланиб ўрганади.
- Маънавият асослари ҳам ўз эътиборини комил инсонни тарбиялашнинг инсонпарварлик ва ватанпарварлик жиҳатлари ва омилларини ўрганади.

КУРС БЎЙИЧА ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН ИЛМИЙ МУАММОЛАР

- Маънавият асослари курсини инсон маънавий оламини ўрганувчи, бойитувчи ва тарбияловчи билим соҳаси сифатида ўрганиш.
- Маънавий салоҳиятни ўлчаш усул ва мезонларини ишлаб чиқиш.
- Маънавияти юксак комил инсонни тарбиялаш омил ва воситалар тизимини яратиш.
- Маънавият асослари курсини ватанпарварлик тарбиясини амалга оширувчи энг муҳим ижтимоий билим жафҳаси сифатида тадқиқ этиш.

ИНФОРМАЦИОН ТАЪМИНОТ:

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И. Истиқлол ва маънавият. Т.: 1994. 160 б.
2. Каримов И. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. Т.: 1999. 32 б.
3. Эркаев А. Маънавият-миллат нишони. Т.: 1999. 192 б.
4. Эркаев А. Маънавият ва миллий ғоя. Т.: 2002.
5. Имомназаров М. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. Т.: 1996. 144 б.
6. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. Т.: 1999. 240 б.
7. Отамуродов С., Раматов Ж, Ҳусанов С. Маънавият асослари. Маърузалар матни. Т.: 2000. 228
8. Маънавият асосларидан маъруза матни. Гулистон-2000. 80 б
9. Бегматов А. «Маънавият фалсафаси ёхут Ислом Каримов асарларида янги фалсафий тизиминг яратилиши». Т.: 2000.
10. Умаров Э. Абдуллаев М. “Ма`навият асослари”. Т.: 2005. 128 б.

Қўшимча адабиётлар:

1. Каримов И. А. Баркамол авлод орзуси. Т.: 1999. 184 б.
2. Каримов И. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.: 1995. 278 б.
3. Каримов И. А. Жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. Т.: 1998. 30 б.
4. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: 1997. 32 б.
5. Каримов И. А. Ўзбекистон ХХI асрга интилоқда. Т.: 1999. 32 б.
6. Каримов И. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Т.: 1999. 32 б.
7. Каримов И. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: 1997. 326 б.
8. Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. Т.: 1991. 172 б.
9. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал адаб ал муфрат. Т.: 1990. 200 б.
10. Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир. Баҳоуддин Балогардон. Т.: 1993. 208 б.
11. Авесто. Т.: 2001. 128 б.
12. Аҳмад Яссавий Девони хикмат. Т.: 1992. 208 б.
13. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. Т.: 1991. 256 б.
14. Зиёмуҳаммедов Б. ва бошқалар. Маънавият асослари. Т.: 2000. 198 б.
15. Иброҳимов А. Султонов Х, Жўраев Н. Ватан тўйғуси. Т.: 1996. 396 б.
16. Исоқов М. Эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амал китоби. Т.: 2001. 24 б.
17. Йўлдошев А. Мустақил Ўзбекистон: демократия, маънавият ва мафкура масалалари. Фарғона: 1997. 124 б.
18. Шайх Нажмиддин Кубро. Т.: 1995. 80 б.
19. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. 1-китоб. Т.: 1996. 272 б.
20. Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат. Т.: 1998. 320 б.
21. Мустақиллик: маънавият ва миллий қадриятлар муаммоси. Т.: 1997. 110 б.
22. Отамуродов С. Маънавият ва маърифат асослари. Т.: 2000. 228 б.
23. Сафо Очил. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. Т.: 1995. 208 б.

24. Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. Т.: 1998. 236 б.
25. Туленов Ж., Ғофуров З. Мустақиллик ва миллий тикланиш. Т.: 1996. 125 б.
26. Шарқона босиқлик сири. Т.: 1994. 135 б.
27. Ҳамроқул Ризо, С.Исмоилов. Маънавиятнинг тиниқ чашмалари. Гулистон: 1997. 50 б.
28. Юсупов Э. Маънавий камолот омиллари. Т.: 1996. 64 б.
29. Имомназаров М., Эшмухаммедова М. Миллий маънавиятимиз асослари. Т.: 2001. 432 б.
30. Набиев Э., Саидов Б. Маънавият куни. Т.: 2004. 32 б.

Интернетдан маълумот олиш мумкин бўлган сайтлар:

1. www.istedod.uz
2. www.akademik.ru
3. www.islom.uz
4. www.ziyo.net
5. www.pedagog.uz
6. www.kutubxona.uz

М У Н Д А Р И Ж А

Сўз боши	3
Ишчи дастур	3
Фан бўйича рейтинг ишланмаси ва баҳолаш мезони	7
Маърузалар курси	8
1-мавзу: «Маънавият асослари» фанининг баҳс мавзуси	8
2-мавзу: Маънавият ва маънавий мерос	11
3-мавзу: Маънавият ва иқтисодиёт	14
4-мавзу: Маънавият, сиёсат, ҳуқуқ ва мафкура	18
5-мавзу: Марказий Осиё халқларининг қадимги маънавияти	22
6-мавзу: Ислом маънавияти	27
7-мавзу: Тасаввуф маънавияти	29
8-мавзу: Амир Темур маънавияти	35
9-мавзу: Комил инсон маънавияти ва унинг асосий мезонлари	42
10-мавзу: Ватанпарварлик ва инсонпарварлик маънавий инсон қиёфасини асосий мезони	45
11-мавзу: Маънавият ва қадриятлар	50
12-мавзу: Маънавий камолот омиллари	55
Семинар машғулотлари	58
Талабалар мустақил иш топшириқлари	61
Назорат саволлари	64
Ўтилган мавзулар бўйича якуний хулосалар	66
Курс бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар	66
Информацион таъминот	68
Мундарижа	70